

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув кафедраси

« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н »

факультет декани _____

и.ф.н.доцент, Х.Х.КАМОЛОВ

« ____ » _____ 2014 йил

«Химояга рухсат этаман»

кафедра мудири _____

доцент О.Шерматов

« ____ » _____ 2014 йил

**Фермер хўжалигини бошқариш таълим йўналишининг битирувчиси
Расулов Умиджоннинг**

Ў
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

***Мавзу: Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигида меҳнат
унумдорлигини ошириш***

БМИ рахбари: _____

и.ф.н. доцент О.Махмудов

Бажарувчи: _____

Расулов Умиджон

Андижон – 2014

ЎЗБЕКИСТОН КИШЛОК ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН КИШЛОК ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШХАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРУВ
КАФЕДРАСИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва
бошқарув кафедрасининг мудир
доцент .Шерматов _____
«_»_____ 2013й.

**Фермер хўжалигини бошқариш таълим йўналишининг битирувчиси
Расулов Умиджонга битирув малакавий ишини бажариш учун**

ТОПШИРИК

- 1. Битирув малакавий ишининг мавзуси** институт ректорининг 2013 йил 29 июндаги №157-Ст буйруғи билан тасдиқланган.
- 2. БМИнинг мавзуси:** Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш
- 3. Битирув малакавий ишни тугатиш вақти** «25» май 2014 йил.
- 4. Битирув малакавий ишнинг асосий бўлимлари.** БМИ кириш, асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.
- 5. Битирув малакавий ишни бажариш учун керакли маълумотлар.** Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни ўтказишга оид бўлган қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, И.А.Каримов асарлари, мавзуга оид махсус адабиётлар, ҳамда Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигининг 2011-2013 йиллар учун бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари ва мавзуга оид бўлган бошқа маълумотлари.
- 6. Битирув малакавий ишда фойдаланиладиган жадваллар.** Битирув малакавий ишида мавзунинг моҳиятини ёритишга ёрдам берадиган 8-10 та жадвалларни тўзилиши кўзда тутилган бўлиб, улардан 3 таси бевосита ҳимоя жараёнида фойдаланилади.

Битирув малакавий ишнинг асосий саволлари	БМИни рахбари	Бажарилиш муддати	Имзо
<i>Кириш</i>	<i>и.ф.н.доц О.Х.Махмудов</i>	<i>04.11.2013й</i>	
<i>1-боб: Мехнат унумдорлигини назарий ва услубий асослари</i>			
1.1. Фермер хўжалигида мехнат унумдорлиги оширишни илмий назарий асослари.	<i>и.ф.н.доц О.Х.Махмудов</i>	<i>05.12.2013й</i>	
<i>1.2. Фермер хўжаликларида мехнат унумдорлигини оширишни услубий асослари.</i>	<i>и.ф.н.доц О.Х.Махмудов</i>	<i>28.01.2014й</i>	
<i>2-боб: Сайдулло фермер хўжалигида мехнат унумдорлигини иқтисодий кўрсаткичларини ҳозирги ҳолатини тахлили.</i>			
2.1. Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигининг табиий-иқтисодий шароитларини ҳозирги ҳолати.	<i>и.ф.н.доц О.Х.Махмудов</i>	<i>6.02.2014й</i>	
2.2. Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичлари тахлили.	<i>и.ф.н.доц О.Х.Махмудов</i>	<i>17.03.2014й</i>	
2.3. Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигида самарали агротехнологиялар ни қўллаш.		<i>22.04.2014й</i>	
<i>3-боб: “Сайдулло” фермер хўжалигида мехнат унумдорлигини оширишни йўллари ва омиллари.</i>			
3.1. Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигида мехнат унумдорлигини ошириш омиллари.	<i>и.ф.н.доц О.Х.Махмудов</i>	<i>11.05.2014й</i>	
Хулоса ва таклифлар.	<i>и.ф.н.доц О.Х.Махмудов.</i>	<i>18.05.2014й</i>	
Фойдаланилган адабиётлар.	<i>и.ф.н.доц О.Х.Махмудов</i>	<i>20.05.2014й</i>	

Топширик берилган вақти:
БМИ рахбари:
Битирувчи:

7сентябр 2013 йил.
и.ф.н. доцент Махмудов О.
Расулов У

М у н д а р и ж а

№	Мазмуни	Бетлар
	<i>Кириш</i>	3-6
1-боб: Мехнат унумдорлигини назарий ва услубий асослари		
1.1.	Фермер хўжалигида мехнат унумдорлиги оширишни илмий назарий асослари	7-13
1.2	Фермер хўжаликларида мехнат унумдорлиги, уни ошириш омиллари.	13-20
2-боб: Сайдулло фермер хўжалигида мехнат унумдорлигини иқтисодий кўрсаткичларини ҳозирги ҳолатини тахлили.		
2.1.	Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигининг табиий-иқтисодий шароитларини ҳозирги ҳолати.	21-33
2.2.	Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичлари тахлили.	34- 49
2.3.	Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигида самарали агротехнологиялар ни қўллаш.	50-60
3-боб: “Сайдулло” фермер хўжалигида мехнат унумдорлигини оширишни йўллари ва омиллари.		
3.1.	Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигида мехнат унумдорлигини ошириш омиллари	61-67
	Хулоса ва таклифлар.	68-70
	Фойдаланилган адабиётлар.	71-75

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Фермерларимизнинг онгу тафаккурида ўз ери ва ишлаб чиқараётган маҳсулотига нисбатан эгалик ҳиссиёти йилдан-йилга тобора мустаҳкамланиб, уларнинг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлиги ошиб бормоқда. Сўнгги йилларда қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар фермер хўжаликлари ваколатларини сезиларли равишда кенгайтди.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўлларида бири бу ишлаб чиқаришни жадал усулда ривожлантиришдир. Президентимиз таъкидланишича жоҳон молиявий–иқтисдий инқироzi шароитида масулот рақобатбардошлигини ошириши иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг асосий омилига айланди.

Ҳозирги кунда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш учун уларни иқтисодий жихатдан бақувват қишлоқ хўжалик корхонасига айлантириш даркор. Бу соҳадаги ишлар қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Республикамизда 2013 йилнинг якунлари ҳақида гапирганда, аввало, ўтган йилда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланганини қайд этамиз.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги – 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,8 фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлди ва 6,8 фоизни ташкил этди.

Бугунги кунда Президнетимиз И.Каримов такидлаганидек 2013 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга нисбатан 2,3 баробар кўпайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоизга, жумладан, деҳқончилик – 6,4 фоизга, чорвачилик – 7,4 фоизга ўсди.

Юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини районлаштириш борасида ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат

олиб борилаётгани энг муҳим хомашё ва экспортбоп маҳсулот бўлмиш пахта етиштиришнинг нисбатан барқарор ҳажмини сақлаган ҳолда, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бир неча баробар кўпайтириш имконини берди. Йил якунига кўра ғалла етиштириш 2000 йилга нисбатан 2 баробар, картошка – 3,1 марта, сабзавот – 3,2 баробар, узум – 2 марта, гўшт ва сут – 2,1 карра, тухум – 3,4 баробар ошди.

Дехқон ва фермерлар хўжаликлар – 7 миллион 800 минг тонна ғалла, 8 миллион 400 минг тонна сабзавот, 3 миллион 360 минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси етиштирилди.

Жадал ривожлантириш жараёни нафақат гектар ҳисобига кўшимча маҳсулотнинг ўсишини билдиради, балки улардан самарали фойдалаган лигини ҳам билдиради.

Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришнинг иқтисодий самарадор лигини ошириш, ер моддий техника ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, ҳамда майиший ва иқтисодий шароитларини тўла ҳисобга олишни талаб қилади. Назарий жихатидан ҳар қандай капитални қўйиш мумкин, лекин бу ўз-ўзидан маълумки, бу мамлакатда шу пайитда барча шароитлар, яъни иқтисодий, техникавий, маданий ва бошқалар мавжуд бўлишига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарифланадиган харажатлар оқилона сарифланиш керакки, бунда хўжалик ҳар бир-бири кўшимча харажатга нисбатан кўпроқ маҳсулот ва максимум фойда олиш керак.

Жамият ривожланиши билан меҳнат воситалари такомиллаша боради, ишлаб чиқариш жараёнига янги-янги иқтисодий ресурслар жалб қилинади. Фан ва техника ўз ривожланишида қанчалик илгарилаб кетмасин, меҳнат жараёнида меҳнат ўзининг етакчилиқ, ҳал қилувчи ролини йўқотмайди. Меҳнат иқтисодий категория ҳисобланади ва унинг характери ишлаб чиқариш муносабатлари билан аниқланади.

Қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш шунга йўналтирилганки, бунда ҳар бир

ходимдан, меҳнатга худди ёлланма кунбайчидек бeфaрқ вa мaъсулиятсиз эмас, балки пироворд натижага жавобгарлигини сезган ҳолда ёндошиш, муносабатда бўлишни талаб этилади. Охир оқибат бу меҳнатдан узоқлашиш деган ғовни олиб ташлайди. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш масаласи умумиқтисодий муаммо сифатида илмий изланувчилар вa амалиётчилар томонидан ўрганиб келинган. Бироқ, мазкур изланишларнинг аксарияти иқтисодиёт субъектларининг ҳуқуқий–иқтисодий мустақиллиги таъминланмаган шароитда олиб борилган бўлиб, бу борадаги илмий вa амалий таклифларни реал хўжалик юритиш шароитига материаллашуви учун етарли шарт-шароит бўлмаган ёки улар мавжуд сиёсий тизим характериға тўғри келмас эди. Эндиликда эса мавжуд илмий адабиётлардаги турли қарашлар вa концепцияларни ўрганиш асосида бозор иқтисодиёти шароитида рўёбга чиқиши мумкин бўлган янги изланишларни, қарашлар вa мулоҳазаларни илғари суриш заруриятга айланди.

Юқорида келтирилган маълумотлардан ҳулоса қилинганда, биз танлаган мавзу ҳозирги кунда илмий вa амалий тадқиқотларни талаб қилувчи долзарб масала ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг мақсади вa вазифалари. Битирув малакавий ишининг асосий мақсади фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари аҳамиятини асослаш вa **Балиқчи** туманидаги Сайдулло фермер хўжалигида бўйича фикр-мулоҳазаларни, ҳулосаларни вa таклифларни ишлаб чиқишдир. Асосий мақсадга эришиш учун битирув малакавий ишида қуйидаги асосий вазифалар режалаштирилган:

1. Фермер хўжалигида меҳнат унумдорлиги оширишни илмий назарий асослари аҳамиятини асослаш.
2. Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалиги фаолиятини ўрганиш вa таҳлил этиш асосида меҳнат унумдорлигини оширишни ҳозирги ҳолатини ўрганиш вa таҳлил этиш асосида иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

3. Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари ва омилларини таҳлил қилиб, бу бўйича фикр-мулоҳазаларни, хулосаларни ва таклифларни ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан, қилинган хулосалардан ва берилган таклифлардан Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. БМИ да билдирилган фикр-мулоҳазалардан бундан ташқари ушбу ҳудудда жойлашган ва ихтисослиги мос келадиган бошқа фермер хўжаликларида ҳам фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг таркиби. Битирув малакавий иши кириш, 3боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Битирув малакавий ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланиб, битирув малакавий ишини мақсади, вазифалари ва унинг таркиби асосланган. Асосий қисмда, пахтачилик тармоғини ривожлантиришнинг илмий назарий асослари келтирилиб, Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш масалалари ўрганилиб, таҳлил этилган. Ишнинг хулоса қисмида бўйича Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигига таъсир эътиувчи омилларидан фойдаланиш бўйича фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатига мавзуга оид бўлган қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда И.Каримов асарлари, махсус ўқув ва илмий адабиётлар, фермер хўжалигининг охириги уч йиллик ҳисоботлари ва фермер хўжалигининг бизнес режалари киритилган. Битирув малакавий иши 82 бетни ташкил этади. Битирув малакавий ишини ёритишда 14 та жадваллар ва 2 та чизмадан фойдаланилди.

1боб: Меҳнат унумдорлигини назарий ва услубий асослари.

1. Фермер хўжалигида меҳнат унумдорлиги оширишни илмий назарий асослари.

Меҳнат фаолиятининг мақсади бирор натижага эришиш, масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишдан иборатдир. Ҳар қандай ходим ёки уларнинг гуруҳи учун натижа самарадорлиги, яъни вақт бирлиги — соат, кун, йил мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулот, кўрсатилган хизмат миқдори муҳим аҳамиятга эга. Бу натижа қанчалик юқори бўлса, унинг бирлигига сарфланган харажат, шу жумладан, хона, бино учун ижара ҳақи, электр қувватидан фойдаланиш ҳақи ва шу қабилар шунчалик қамроқ бўлади. Бинобарин, меҳнат унумдорлиги юқори, маҳсулот ҳажми қамроқ бўлса, унинг харажатлари қамроқ бўлади. Меҳнат самарадорлиги маҳсулдорлиги меҳнат кўрсаткичи билан ўлчанади.

Меҳнат унумдорлиги — ходимлар меҳнат фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичидир. У ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар миқдорининг меҳнат харажатларига нисбатан, яъни меҳнат харажатлари бирлиги ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот билан белгиланади.

Фермер хўжалигини ривожланиши ва унинг барча аъзолари фаровонлиги даражаси меҳнат унумдорлиги даражаси ҳамда ўсишига боғлиқдир. Меҳнат унумдорлиги даражаси ишлаб чиқариш усулини ҳам, ҳатто ижтимоий-сиёсий тузумнинг ўзини ҳам ифода этади.

Иқтисодиёт фанида **меҳнат самарадорлиги** тушунчаси ҳам мавжуд. У меҳнат унумдорлиги тушунчасига қараганда кенгроқ бўлиб, иқтисодий (яъни меҳнат унумдорлиги) категориядан ташқари психофизиологик ва ижтимоий омилларни ҳам қамраб олади.

Меҳнатнинг рухий физиологик самарадорлиги меҳнат жираёнининг инсон организмига таъсири орқали аниқланади. Шу нуқтаи назардан фақат муайян унумдорлик билан бир қаторда зарарсиз, қулай санитария-гигиена шароитлари таъминланган, ходимга ишлаб чиқариш салбий таъсирининг олди

олинган, унинг жисмоний ва ақлий салоҳиятини ва қобилиятини оширадиган мазмунли меҳнатгина самарали ҳисобланиши мумкин.



1-расм: Меҳнатни ижтимоий самарадорлиги. Манба. Меҳнат иқтисодиёти ва социалогияси дарслик. К.Абдурахмонов

Бундан меҳнатнинг ижтимоий самарадорлиги тушунчаси моҳияти ҳам англанади. Бу категория ҳар бир ходим шахсини уйғун ривожлантириш, унинг малакаси ва маҳоратини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, турмуш тарзини такомиллаштириш, меҳнат жамоасида ижобий муҳитни шакллантириш ва сақлаб туриш талабларини камраб олади (1-расм).

Меҳнат унумдорлиги меҳнатнинг интенсивлиги ва иш вақти номинал фондидан фойдаланиш тушунчалари билан узвий боғлиқдир.

Мехнат интенсивлиги ходимнинг иш вакти бирлигида асаб ва мушак сарфи билан ўлчанади. Бунда инсон организмига салбий таъсир кўрсатмайдиган ҳамда энергия сарфи тўлақонли овкатланиш, дам олиш ва хиссий енгил тортиш ҳисобига тўла қопланадиган меҳнат интенсивлиги ижтимоий жихатдан меъёрли ҳисобланади.

Иш вақтидан фойдаланиш мазкур иш тури учун ўрнатилган номинал иш вақти фондига (иш куни, иш ҳафтаси, ойи, йили учун) ишланган вақтга (белгилаб кўйилган танаффусларни ҳам кўшиб ҳисоблаганда) нисбати сифатида аникланади. Бу кўрсаткичларнинг индексли алоқадорлиги қуйидаги формула асосида аникланади:

$$I_{му} = I_{ку} I_{инт} I_{ивф}$$

бунда: $I_{му}$ — меҳнат унумдорлиги индекси;

$I_{ку}$ - меҳнат кучи унумдорлиги индекси;

$I_{инт}$ - меҳнат интенсивлиги индекси;

$I_{ивф}$ - иш вақтидан фойдаланиш индекси.

Меҳнат унумдорлигининг индикаторларини аниқлашга турлича ёндашувлар бор. Амалиётда бу индикаторларни танлаш, биринчидан, у ёки бу ишлаб чиқаришдаги меҳнат унумдорлигининг даражасига, иккинчидан, меҳнат унумдорлигини аниқдаш бўйича ҳўжаликнинг иқтисодий хизмати олдига қўйилган вазифага боғлиқдир.

Меҳнат унумдорлигини ўлчаш даражаси бўйича бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариладиган шахсий иш жойларини (бригада, участкалар) ажратиб кўрсатиш мумкин. Мазкур ҳолатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ва меҳнат унумдорлигини аниқлашнинг **натура усулини** (дона, тонна, куб метр ва ҳоказолар) қўллаш мақсадга мувофиқдир. Лекин, одатда, фақат бир хил маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган иш жойлари кам учрайди. Шу сабабли амалиётда **шартли-натура усулидан** фойдаланилади.

Мазкур усулда аниқ бир шароит учун қўлланса бўладиган ишлаб чиқариш

хажмларини хисоблаб чиқиш анча мураккабдир. Маълумки, ишлаб чиқариш хажмларини ўлчашда энг кўп ялпи, товар ва реализация қилинган маҳсулот хажми кўрсаткичлари ишлатилади. Лекин улгуржи нархлар бир хил бўлганда корхона усулида хисоблаб чиқилган **ялпи маҳсулот** тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдаклари миқдорида кўра **товар маҳсулотидан, реализация қилинган маҳсулот** эса товар маҳсулотидан (реализация қилишга мулжалланган, лекин реализация⁴ қилинмаган қолдиқ миқдорида) фарқ қилади. Бундан меҳнат унумдорлиги даражасини ялпи маҳсулот хажмига қараб хисоблаш аниқроқ бўлади деган хулоса чиқариш мумкин.

Бироқ бозор иқтисодиёти шароитларида меҳнат унумдорлигини реализация қилинган маҳсулот хажми асосида аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва реализация қилинмаган маҳсулот қолдиқларининг қупайиши иқтисодий аҳамиятга эга эмас.

Шунинг учун **шартли-соф маҳсулот хажми** аниқланади. Бунинг учун ялпи маҳсулот қийматидан бевосита моддий харажатлар (хомашё, бутловчи қисмлар, электр энергияси, ёнилғи ва хоказолар) олиб ташланади. Натижада бу қиймат таркибида иш хақи ва мажбурий тўловлар, асосий фондларнинг амортизацияси ва фойда миқдори қолади.

Соф маҳсулот хажми дейилганда эса ялпи маҳсулот хажмидан моддий харажатлардан ташқари амортизация қийматини ҳам олиб ташлаш тушунилади.

Аммо бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ҳам нарх-навонинг ўзгариши соф маҳсулот кўрсаткичи товар ёки ялпи маҳсулотга қараганда ҳам кўпроқ таъсир кўрсатади. Шунинг учун **меъёртив соф маҳсулот** кўрсаткичи ишлаб чиқилган. Бу индикаторга соф маҳсулот кўрсаткичидан фарқли равишда мажбурий тўловлар билан бирга иш хақи меъёртиви ва тармок бўйича ўртача фойда киритилган.

Лекин амалиётда бу услубнинг қатор нуқсонлари (маҳсулот барча турлари учун иш хақи меъёртивлари тизимини ишлаб чиқиш, иш хақи меъёртивлари даражасини оширишга мойиллик сабабли меҳнат сарфининг

ортиши, индикаторнинг корхона пировард молиявий натижалари билан боғлиқ эмаслиги ва хоказолар) аён бўлди. Шу сабабли уни факат тахлил мақсадларида ишлатиш ўринли деб ҳисобланади. Агар бу талабларга риоя этилмаса, меҳнат унумдорлигининг даражаси ва ўсиш суръатларининг пасайиши муқаррардир. Жумладан, ноқулай, ходим соғлиги учун зарарли бўлган санитария-гигиена шароитлари унинг касалланиши оқибатида иш вақти йукотилиши, кўшимча таътиллар бериш зарурати, умуман ходимнинг меҳнат қобилиятини йўқотишига сабаб бўлади. Жамиятнинг ривожланиши ва унинг барча аъзолари фаровонлиги даражаси меҳнат унумдорлиги даражаси ва унинг ўсишига боғлиқдир. Бундан ташқари, меҳнат унумдорлиги даражаси ишлаб чиқариш усулини ҳам, хатто ижтимоий - сиёсий тузумнинг ўзини ҳам белгилаб беради.

Меҳнат унумдорлиги қанчалик юқори бўлса, иш сифати зарур даражада бўлгани ҳолда меҳнат харажатлари қанчалик кам бўлса, меҳнат самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Фермер хўжалиги бошқарувчиси эгаси учун вақт бирлиги ичида қандай ишлаб чиқариш даражасига эришилгани эмас, шу билан бирга у қандай меҳнат харажатлари билан таъмин этилгани ҳам муҳимдир. Меҳнат харажатлари ходимлар сони ва меҳнатга тўланган ҳақ харажатлари билан ўлчанади. Униси ҳам, буниси ҳам иш вақти билан ўлчаниши мумкин. Шунинг учун ҳам меҳнат самарадорлиги ни тахлил қилганда вақт бирлиги ичида сарфланган меҳнат харажатлари ҳам, шу билан бирга унинг тўзилиши ҳисобга олинган ҳолда ҳам қараб чиқилади.

Меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда қуйидагиларни таъминлаш имконини берадиган услубиёт идеал ҳисобланиши мумкин:

- корхона ишининг ижтимоий қадриятлар билан боғлиқлиги;
- ходимга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиш;
- меҳнат унумдорлигининг умумий ва хусусий кўрсаткичлари бир ўлчов билан ўлчаниши мумкинлиги;
- меҳнат миқдори билан сифати ўртасидаги боғлиқлик.

Хар қандай маҳсулот, буюм, хизматда жонли ва буюмлашган меҳнат жамланган бўлади. Бундай жами меҳнат туфайли моддий бойликлар яратилади.

Жамият ишлаб чиқарувчи кучлари ривожланиб борган сари жонли меҳнат моддийлашган меҳнатнинг тобора кўпроқ массасини қамраб олади. Натижада жами меҳнатда моддийлашган меҳнатнинг улуши кўпайиб борган сари жонли меҳнатнинг улуши камайиб боради. Бу меҳнат унумдорлиги ошганлигининг асосий белгисидир. Ишлаб чиқаришнинг такомиллашиб бориши ва фан-техника тараққиёти меҳнат унумдорлиги ошишининг асосий шартларидир. Янги технологик жараёнлар, материаллар ва автоматлаштириш воситаларининг жорий этилиши меҳнатни механизациялаш даражасининг ортишига олиб келади.

Агар техника, технология даражаси кун мабойнида 200 бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берган бўлиб, меҳнат жадаллиги ва иш вақтидан фойдаланиш индекслари тегишли равишда 0,95 ва 0,9 дан иборат бўлса, у ҳолда ҳақиқий меҳнат унумдорлиги 200 эмас, 171 бирликни (200.0,95.0,9) ташкил этади.

«Унумдорлик» тушунчаси маҳсулотнинг хар қандай харажатларнинг турига ёки барча турларига нисбатини аник кўрсаткичларда ифодалаш учун қўлланилади. Статистик маънода унумдорлик дейилганда, ишлаб чиқариш натижаларининг фойдаланиш омиллари сарфларига нисбати тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, у харажат бирлиги тўғри келадиган ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмидир. Шунга кўра, ишлаб чиқариш натижасини унинг барча ўлчаш мумкин бўлган омиллари мажмуига нисбатан ёки алоҳида" гуруҳ омилларга нисбатан ҳисоблаш мумкин.

Шундай омиллар жумласига қуйидагилар киради: 1)сарфланган ишлаб чиқариш омилларининг миқдори ва сифати (сарф самараси); 2)сарфланган омиллар миқдорларининг фойдаланилиши даражаси (фойдаланиш самараси); 3)ишлаб чиқариш омиллари комбинацияларининг миқдори (субституция

самараси); 4)техника тараккиёти (техника самараси); 5)ишлаб чиқариш жараёни ташкил қилиниши (даража самараси); 6)алохида жараёнлар секторларнинг ёки харажатлар ёхуд махсулотнинг умумий миқдорида иштирок этиши (таркиб самараси); 7)алохида секторлар ва жараёнлар орасидаги узаро алоқалар даражаси ва таркиби (узаро алоқодорлик самараси).

2. Фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигини баҳолаш усуллари

Жамиятнинг моддий ва маънавий бойликларининг табиий-иқтисодий ресурслар ва манбалари инсон меҳнати ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат Кодекси»нинг 1-боб 8-моддасида меҳнатнинг улуғворлиги тўғрисида шундай дейилган: «Ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланади, бу ҳимоя меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текширувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек меҳнат низоларини кўрувчи органлар томонидан амалга оширилади». Жамиятнинг моддий ва маънавий бойликларининг манбалари инсон меҳнати ҳисобланади.

Иқтисодчилар меҳнатни кишилиқ ҳаётининг асосий шарти эканлигини ва инсоннинг ўзининг ҳам камолотга етишуви меҳнат орқали амалга ошганлигини айтиб ўтган. Меҳнат – бу инсонинг мақсадли фаолияти бўлиб, бу жараёнда у табиат предметларини ўзининг эҳтиёжларини қондириш учун мослаштиради ва ўзгартиради. Ўз кучини қўшгани ҳолда инсон, меҳнат куролларида фойдаланиб, табиат берган материалларни, кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирадиган моддий неъматларга, бойликларга айлантиради. Меҳнат жараёни, инсонинг иш жойида, унинг меҳнат фаолиятининг маълум натижаларига эришишга йўналтирилган ҳаракатларининг тўпламини билдиради. Бу маънода "меҳнат жараёни" тушунчаси, "ишлаб чиқариш жараёни" тушунчасига нисбатан анча тор тушунчадир. Ишлаб чиқариш жараёни ҳар бири маълум бир босқични ва

тайёр маҳсулот олишни акс эттирувчи, бир бутун меҳнат жараёнлари комплекси базасида амалга оширилади. Бундан ташқари, кўп ҳолларда ишлаб чиқариш жараёни, инсон меҳнати иштирокисиз ҳам, табиий омиллар таъсири остида содир бўлади. Меҳнат жараёни, маълумки ўз ичига уч элементни: меҳнат воситаси, меҳнат предметлари ва бевосита инсон меҳнатининг ўзини олади. Ишлаб чиқариш воситаларисиз меҳнат жараёни маъносиз бўлади, ўз навбатида инсон меҳнатисиз ишлаб чиқариш воситалари ҳам ўликдир ва ҳеч нарса ярата олмайди. Кишилар меҳнати ишлаб чиқариш воситаларини ҳаракат қилишга ва инсоннинг мақсадини амалга оширишга бирга ҳаракат қилишга мажбур қилади. Меҳнат воситалари ва меҳнат предметларини ярата бориб ва табиатга таъсир этиб, инсон, ўзини ҳам ўзгартиради, унинг малакаси, билими ва ишлаб чиқариш тажрибаси ошади.

Меҳнат – бойлик манбаидир. У инсон фаолиятининг биринчи ва зарур шарти ҳисобланади. Инсон ва жамият тараққиётининг тарихи жараёнида меҳнатнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги оддий ҳақиқатдир. Одамлар атрофдаги табиатни ўзгартирар эканлар, ўзларининг ўзгариб бораётган эҳтиёжлари таъсирида ўз табиатларини ҳам ўзгартирадилар: билимларини бойитиб, қобилиятларини ривожлантирадилар ва янги кўникмалар ҳосил қиладилар.

Меҳнат – инсоннинг бирон бир мақсадга мувофиқ ижтимоий фойдали фаолиятидир. Меҳнат жараёни қуйидаги таркибий қисмлардан иборат: меҳнат предметлари; меҳнат воситалари; жонли меҳнат сарфлари (Абдурахмонов Қ.Х., Мамарасулов Ф.У. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. -Т.: ТДИУ, 2006)

Бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигини, тайёрланган маҳсулотнинг сифатини ошириш кўп ҳолларда ижрочиларнинг меҳнат натижаларига боғлиқ. Шунинг учун хўжаликларда ходимларнинг меҳнат фаолиятини энг самарадор қилишни таъминловчи, ходимларнинг ҳар томонлама ривожланишига ёрдам берувчи

ташкилий – техникавий шароит яратиш мақсадида меҳнатни ўрганиш, такомиллаштириш ва ҳар томонлама асослашган меҳнат нормаларини белгилашнинг назарияси ва амалиётини ишлаб чиқиш ҳамда иш вақтидан самарали фойдаланиши асосида меҳнат унумдорлигини ўстириш имкониятларини қидириб топиш, яъни меҳнатни асосланган тарзда ташкил этиш ва уни таҳлил этиш ҳозирги куннинг муҳим вазифаси ҳисобланади (Г.Давлатова. Меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш ва меъёрлаштириш. - Фарғона, 2006).

Меҳнат ресурслари деб, ўзининг ақлий ва жисмоний меҳнати билан ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этадиган меҳнатга қобилиятли кишилар тўпламига айтилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш инсоннинг ташаббускор ва фаол бўлишини назарда тутди. Унинг қандай яшаши ўзининг янги иқтисодий тизимга сингиб у билан ҳамохонг бўлиб кетиш маҳоратига боғлиқ. Инсоннинг жисмоний имкониятлари ва маълумотлилиқ даражаси, маънавияти қанчалик юқори бўлса, бу нарса шунчалик муваффақиятлироқ кечади.

Меҳнат унумдорлиги - ходимлар меҳнат фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичидир. У ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар миқдорининг меҳнат харажатларига нисбатан, яъни меҳнат харажатлари бирлиги ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот билан белгиланади. Жамиятнинг ривожланиши ва унинг барча аъзолари фаровонлиги даражаси меҳнат унумдорлиги даражаси ва унинг ўсишига боғлиқдир. Бундан ташқари, меҳнат унумдорлиги даражаси ишлаб чиқариш усулини ҳам, ҳатто ижтимоий - сиёсий тузумнинг ўзини ҳам белгилаб беради (Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. -Т.: ТДИУ, 2005)

Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи меҳнат самарадорлиги ва натижадорлигининг барча жиҳатларини акс эттирмайди, масалан, у меҳнат сифатини ҳисобга олмайди, бундан ташқари, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш зарурлигини ифодаламайди. «Меҳнат унумдорлиги» тушунчасига ўз аҳамияти жиҳатидан яқин, лекин мазмунан янада кенгрок

бўлган тушунча «меҳнат самарадорлиги» тушунчасидир. Меҳнат самарадорлиги энг кам меҳнат харажатлари билан юқори меҳнат натижадорлигига эришиш даражасини ифодалайди. Меҳнат самарадорлиги меҳнат унумдорлигидан фарқли ўлароқ фақат меҳнатнинг миқдор кўрсаткичларини эмас, шу билан бирга сифат натижаларини ҳам ифодалайди. Меҳнат самарадорлиги кўрсаткичининг яна бир муҳим устунлиги унда меҳнат ресурсларини тежашнинг акс этишидир (Р.Исмамов. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. –Наманган, 2005).

Меҳнат унумдорлиги канчалик юқори бўлса, иш сифати зарур даражада бўлгани ҳолда меҳнат харажатлари канчалик кам бўлса, меҳнат самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Фермер учун вақт бирлиги ичида қандай ишлаб чиқариш даражасига эришилгани эмас, шу билан бирга у қандай меҳнат харажатлари билан таъмин этилгани ҳам муҳимдир. Меҳнат харажатлари ходимлар сони ва меҳнатга тўланган ҳақ харажатлари билан ўлчанади. Униси ҳам, буниси ҳам иш вақти билан ўлчаниши мумкин. Шунинг учун ҳам меҳнат самарадорлигини таҳлил қилганда вақт бирлиги ичида сарфланган меҳнат харажатлари ҳам, шу билан бирга унинг тўзилиши ҳисобга олинган ҳолда ҳам қараб чиқилади.

Меҳнат унумдорлиги меҳнат салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти айнан шу кўрсаткич миқдorigа боғлиқ.

Меҳнат унумдорлиги бир вақт бирлигида (кун, ой, чорак, йил) бир ходим томонидан яратилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми билан ўлчанади. Бу кўрсаткич натижани ходимларни ўртача сонига (вақт бирлигига) бўлиш йўли билан аниқланади:

$$\text{Меҳнат унумдорлиги} \quad u = \frac{\text{ялпи маҳсулот}}{\text{ходимлар сони}}$$

Ушбу формуладан кўриниб турибдики меҳнат унумдорлигига иккита омил таъсир қилади. Уларнинг натижа ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун

бир қанча усуллардан фойдаланиш мумкин. Бу ерда қайта ҳисоблаш усулини қўллаган ҳолда аниқлаш йўллари кўрсатилган.

Умуман хулоса қилганда фермер хўжалигидаги ходимларнинг меҳнат унумдорлиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, яъни пахта ва ғалла етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигига бориб тақалади.

Бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини кўрсаткичлар тизими орқали баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, бунда ҳар бир кўрсаткич ўзига ҳос бўлган хусусиятларидан келиб чиқиб аниқроқ бўлган хулосаларга келиш имкониятини беради. Ғаллачилик иқтисодий самарадорлиги натурал, қиймат ва тулдирувчи (нисбий) характердаги кўрсаткичлар тизими орқали аниқланиши тўғрироқдир.

Рентабеллик фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлик даражасини кўрсатувчи асосий кўрсаткичларидан ҳисобланиб, ўзида сарфланган бир сўмлик ҳаражат ҳисобига олинган фойдани ифодалайди. Рентабеллик ўз хусусиятига кўра тармоқнинг иқтисодий самарадорлиги тўғрисида якуний, умумий хулоса чиқариш асосида тармоқ салоҳиятини баҳолаш имконини беради. Бу эса рентабеллик даражасини фойда билан бир қаторда маҳсулот таннархига ҳам боғлиқ эканлигини асослайди. Маҳсулот таннархи эса уни ишлаб чиқариш учун кетган пул материал ҳаражатлари ва иш ҳақидан иборатдир. Ҳаражатни камайтириш ҳисобига рентабелликни кўтариш мақсадида таннарх таркибидаги иш ҳақини камайтириш ҳоллари бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида моддий манфаатдорлик тизимини бўзилишига олиб келади. Шу жиҳатдан таннарх таркибидаги бу икки нисбат оптималлигини таъминлаш бозор иқтисодиётининг асосий талабидир.

Юқорида кўриб ўтилган кўрсаткичларга моддий манфаатдорлик нуқтаи назаридан баҳо берсак, уларнинг ҳар бири ўзида иқтисодий самарадорликни баъзи бир жиҳатларини акс эттириши билан бир қаторда мавсум якунидаги моддий манфаатдорликни назарда тутади. Аммо, ғалла етиштирувчиларни мавсум давомидаги эҳтиёжларини қондириш ҳам муҳим зарурият ҳисобланади. Бу заруриятни эса натурал ва қиймат кўринишидаги даромадлар ҳал этади.

Ғаллачиликда ғалла етиштирувчиларни иш ҳақи билан таъминлаш даражасини ўзида тўлароқ акс эттирувчи кўрсаткич бу бир ишловчи ҳисобига пул даромадларининг миқдори ҳисобланади. Бу кўрсаткич олинган соф фойдани ходимлар сонига нисбатини мавсум ойлари бўйича қайта ҳисоби билан асосланади. Бу кўрсаткични ҳисобга олиш биринчидан, меҳнат ресурсларининг кундалик эҳтиёжларини қондириш ҳолатини аниқлаш ва шу асосда уни яхшилаш чора тадбирларини белгилаш имконини берса, иккинчидан, ишчиларни мулкка ва меҳнатга бўлган муносабатининг яхшиланишига, учинчидан эса ғалла етиштирувчиларни ижтимоий аҳволи ва турмуш даражасини яхшилаш учун замин яратилади.

Ҳар бир фермер хўжалиги раҳбари энг аввало ҳар бир ҳаражат турининг ҳосилдорликка қай даражада таъсир этишини яхши англаши ва шунга мувофиқ ҳаражатлар сарфини амалга ошириб бориши лозим. Фермер хўжаликларида пахта ва буғдой етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш учун бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Ялпи маҳсулот етиштирилган ялпи ҳосилни 1 ц буғдойнинг ҳарид баҳосига кўпайтириш орқали аниқланади. Буғдой ҳарид баҳоси, топшириладиган доннинг синфига ва навига боғлиқ ҳолда табақалашган бўлади. Доннинг ҳарид баҳоси турли йиллардаги жаҳон бозоридаги нархи, инфляция даражаси, жорий йилдаги табиий-иқлим шароитига мос ҳолда сарфланган ўртача ҳаражатларни ҳисобга олган ҳолда давлат тайёрлов ташкилотлари томонидан шакллантирилади. Фермер хўжалигининг ялпи маҳсулоти минг сўм ҳисобида ифодаланади.

Ишлаб чиқариш ҳаражатлари аввало асосий ва устама ҳаражатларга, маҳсулот таннархига киритилишига қараб тўғри ва эгри ҳаражатларга, ҳаражатлар таркибига қараб оддий ва комплекс ҳаражатларга, ишлаб чиқариш ҳажмига қараб доимий ва шартли ўзгарувчи ҳаражатларга бўлиш мумкин. Ушбу барча ҳаражатларни жамлаган ҳолда қиймат кўринишида ҳисобга олиниб, минг сўм ўлчов бирлигида ифодаланади (Б.Салимов. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти, Т.:2004).

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш, иш ва хизматларни бажариш

учун қилинаётган барча ҳаражатлар иқтисодий мазмунга, мақсадга, ҳисобот объектига ҳамда шаклланиш манбаларига кўра таснифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом» да кўрсатилган. Унга кўра ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби қуйидагича туркумланади:

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи ҳаражатларнинг элементлари:

а) ишлаб чиқаришнинг моддий ҳаражатлари, яъни уруғлик ва кўчат ҳаражатлари, минерал ўғитлар учун ҳаражатлар, ёкилғи-мойлаш материаллари, иш ва техник сервис хизматлари учун ҳаражатлар, ўз техникаларини таъмирлаш учун сарфланган ресурслар учун ҳаражатлар ва бошқа моддий ҳаражатларни ўз ичига олади.

б) меҳнатга ҳақ тўлаш ҳаражатлари

в) ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар,

г) асосий фондлар амортизациясига ўтказма

д) ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа моддий ҳаражатлар

2. Таннархга киритилмайдиган, бироқ фойдани аниқлашда ҳисобга олинадиган давр ҳаражатлари, яъни бошқарув ҳаражатлари, маҳсулотни сотиш ҳаражатлари, бошқа операцион ҳаражатлар.

3. Молиявий фаолият бўйича ҳаражатлар. Бунга фоизлар бўйича тўловлар, мол-мулкни узоқ муддатли лизингга олиш тўловлари, қимматли қоғозлар чиқариш билан боғлиқ ҳаражатлар киради.

4. Фавқулодда зарарлар – сув тошқини, ёнғин, дўл жала каби табиий офатлар ва мамлакат қонунчилиги ўзгариши натижасида кўрилган зарарлар

Фермер хўжалигида ғалла етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи якуний кўрсаткич рентабеллик бўлиб, фермер хўжалигининг ғаллачиликдаги фойдасини жами ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатини фоиз ҳисобида олинганидир. Рентабеллик даражаси бир бирлик ишлаб чиқариш ҳаражатлари эвазига қанча фойда олинганини билдиради. Иқтисодий

ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида такрор ишлаб чиқаришни таъминлай оладиган оптимал рентабеллик даражаси 45-50%ни ташкил этиши мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, фермер хўжалигининг ўртача 1 гектар экин майдонига тўғри келувчи ишлаб чиқариш харажатлари, ялпи маҳсулот ва даромад ҳам самарадорликни аниқлашга асос бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтилганда, фермер хўжалигидаги ўртача 1 ходим ҳисобига тўғри келган ялпи маҳсулот ва иш ҳақи хўжаликни меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини таҳлил қилишда асос бўиб ҳисобланади. Бундан ташқари, меҳнат харажатлари эвазига яратилган ялпи маҳсулот меҳнат унумдорлиги ва меҳнат самарадорлиги кўрсаткичларини янада яққол намоён этади.

Меҳнат унумдорлигининг даражаси ва ўсиш суръатларига кўпгина омиллар таъсир кўрсатади. Уларнинг бир гуруҳи **ички омиллардир**. Бу омилларга корхоналарнинг техника қуролланганлиги, қулланилаётган технологияларнинг самарадорлиги, меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши, рағбатлантириш, ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш тизимининг таъсирчалиги ва хоказолар киради. Меҳнат унумдорлигининг даражаси ва ўсиш суръатларига кўпгина омиллар таъсир кўрсатади (8.2-расм).

Уларнинг бир гуруҳи **ички омиллардир**. Бу омилларга корхоналарнинг техника қуролланганлиги, қулланилаётган технологияларнинг самарадорлиги, меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши, рағбатлантириш, ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш тизимининг таъсирчалиги ва хоказолар киради.

2-боб: Сайдулло фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигини иқтисодий кўрсаткичларини ҳозирги ҳолатини таҳлили.

2.1.Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигининг табиий-иқтисодий шароитларини ҳозирги ҳолати.

Мамлакатимиздаги мавжуд корхона ва ташкилотларини ҳамда шу жумладан фермер хўжалигини модернизациялаштириш жараёнида қишлоқ хўжалигида асосий хўжалик юритиш шакли ҳисобланган фермер хўжаликларининг маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнидаги иқтисодий самарадорлиги кўп жihatдан хўжаликнинг маъмурий-ҳудудий жойлашуви, тупроғининг таркиби, сув билан таъминланганлик даражаси ва табиий иқлим шароитларига бевосита боғлиқдир. Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалиги Балиқчи туман ҳокимлиги ҳузиридаги тадбиркорлик субъектлари ни давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 1999йил 5феврал Балиқчи тумани ҳокимининг №130-Қ сонли қарори билан ташкил этилган бўлиб, мазкур фермер хўжалиги Охунбобоев к.ф.й.га қарашли Сайдулло массиви жойлашган. фермер хўжалиги асосан дастлабки даврдан бошлаб пахта ва бўғдой экиш билан шуғулланиб келмоқда.

Фермер хўжалигини 23 йиллик иш стажигаа эга бўлган ўрта махсус маълумотли “Ҳакимов Сайдулло ”бошқариб келмоқда. Балиқчи туман ҳокимини захира ер ҳисобидан пахтачилик ва ғаллачилик йўналишларида ер майдонини ажратиш тўғрисидаги 2009 йил 4 декабрга ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Президенти 2010 йил 18 октябрдаги ер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкаларини майдонларини янада оптималлаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Ф-3512-сонли фармоиши “Ўзбекистон республикасининг Маҳаллий ҳокимият давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 10.24.25 моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси “Ер” тўғрисидаги моодданинг 6-моддасига асосан оптималлаштирилди.

Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалиги 55 гектар шундан суғориладиган экин ерлари 50.7 гектар, ариқ ва зовурлар 0.4 гектар, йўллар 3.6 гектар, 0.3 гектар тут ва ижтимоий биноалардан ташкил этиб ерни узок муддатли (50 йилга) ижарага олган ҳолда пахта ва ғалла етиштириш бўйича

фаолият кўрсатмоқда. Хозирги кундан экин майдони ўзгармаган. Сайдулло фермер хўжалиги Андижон вилояти марказидан 40 км, туман марказидан 8 км ва Андижон-Наманган автомагистрал йўлига қадар бўлган масофа 2 км ташкил этади. Шунингдек фермер хўжалиги туман дон маҳсулотларини қабул қилиш корхонасидан 10 км, пахта тозалаш заводидан 6 км, пилла тайёрлаш корхонасидан 8 км, Узкимё ташкилотидан 3 км, ва МТПдан 3 км, темир йўл станцияси 8 км узоқликда жойлашган.

Фермер хўжалиги шимолий томондан Юсуфжон ота фермер хўжалиги билан, ғарб томондан «Собиқ товуқ фабрикаси» фермер хўжалиги билан, шарқ томонидан «Қамбар ота» аҳоли ва жануб томонидан маҳаллий аҳоли билан чегарадош. Фермер хўжалигини иқтисодий самарадорлигини оширишда банк тизимини роли жуда катта. Шундан келиб чиқиб доимий равишда банк билан иқтисодий алоқалари яхши йўлга қўйилган. Фермер хўжалаги Балиқчи туманидаги Микрокредит банк Балиқчи филиали ўзини ҳисоб рақамларига эгадир.

Банкдаги ҳисоб рақами – Микрокредит банк Балиқчи туман бўлими МФО 00067. Ҳисоб рақами 20208000803824191001. Солиқдаги ҳисоб рақами 202270133

Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан пахта ва буғдой, етиштиришга ихтисослаган. Шу билан бирга фермер хўжалиги ва аъзолари учун сабзавот экинларини экиш йўлга қўйилган. Шу жумладан пахта 28.2 га, буғдой 20.8 га, сабзавот 1.0 га. Экиладиган пахта нави «Ан-35», Буғдой эса «Бобур» нави экилиб давлат буйиртмасини бажариб келмоқди. Шу билан биргаликда давлат буйюртмасидан ортиқ қисмини ишчи хизматчиларни эҳтиёжларини қондириш мақсадида иш ҳақини бир қисмига тақсимлаб берилади. Уруғлик буғдойни тумандаги маркази омборхоналарига топширилиб, у ердан келгуси йил учун сараланган уруғларни фермер хўжаликларига тақсимланади. Ундан ташқари фермер хўжалиги буғдой ҳосили йиғиштириб олингандан кейин уни ўринга такрор экин сифатида

пиёз, картошка, сабзи, туруп, шолғом ва шу каби бошқа сабзавот экинлари ҳам экилади.

Сайдулло фермер хўжалигининг бошлиғи Хакимов Сайдулло 1969 йил Балиқчи туманида туғилган, 2 та фарзанди бор. Касби хисобчи. Иш стажи 23 йил, маълумоти ўрта махсус. Олдин собиқ ширкат ўжалигида хисобчи, бригадир бўлиб ишлаган. Хозирги кунда фермер хўжалигини раиси бўлиб ишлаб келмоқда.

Фермер хўжалиги ҳудудидаги иқлим ва табиий шароит пахта ва ғалла каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун жуда қулайдир.

Сайдулло фермер хўжалигининг ҳудудида йил давомида 3220 соат қуёшли кунлар бўлишига тўғри келади. Йилнинг иссиқ кунлари 6 ойни ташкил этади. Энг иссиқ кунлар ўртача кеча-кундуз бўйича 36-40°C бўлса, айрим кунлар 40-42°C бўлади. 2013 йилда самарали ҳарорат пахта етиштириш учун меъёрий ҳолатда бўлди. Хўжаликда вегетация даврининг давомийлиги 165 кунни ташкил этади.

Фермер хўжалигининг ер учаскаси текисликда жойлашган бўлиб нисбатан олганда табиий иқлим шароитига қулай хисобланади. Тупроқни тури бўз тупроқдир. Фермер хўжалиги жойлашган ҳудудининг иқлим шароити кескин континентал бўлиб, ёз мавсуми иссиқ, қиш фасли эса совуқ хисобланади. Ёзда ҳаво ҳарорати 38-42 даражага қатар кўтарилади. Қиш ойларида эса ҳавонинг 10-12 даражагача, айрим йилларда 14-16 даражага етади. Йилнинг ўртача ҳавонинг ҳавонинг ҳарорати 17-19 даражага тенг бўлиб, ўрта толали пахта ғалла экинларидан юқори ҳосил олиш имкониятини беради. Фермер хўжалиги иқлим шароитига мос ҳолда суғорилиб дехқончилик қилинади. Фермер хўжалигини сув билан таъминланиши талаб даражасида бўлиб, норин дарё тизимида қарашли каналдан фойдаланиб фаолият кўрсатади. Фермер хўжалиги ўзига узоқ муддат давлат томонидан ижарага берилган бўлиб, ер учаскаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи фермер хўжалигининг аъзолари билан биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик ҳуқуқларига

эга бўлган хўжалик юритувчи субъектдир. Ер учаскасининг меларатив ҳолати яхши бўлиб, ер ости сувлари 2-3 метр жойлашган. Тупроғи бўз тупроқ хисобланиб, нисбатан олганда унумдор хисобланади. Хўжалик ерининг тупроғи унумдор бўлиб ундан ғомус миқдори ҳам талаб даражасида.

Фермер хўжалигини сув билан таъминланиши талаб даражасида бўлиб, у Балиқчи СИУга аъзо. Фермер хўжалигини суғорма сувлари илон арик сувидан фойдаланади. Фермер хўжалиги 50 йилга узоқ муддат давлат томонидан ижарага берилган бўлиб, ер учаскаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи фермер хўжалигининг аъзолари билан биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик ҳуқуқларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектдир. Ер учаскасининг меларатив ҳолати яхши бўлиб, ер ости сувлари 2-3 метр жойлашган. Тупроғи оч тусли бўз тупроқ хисобланиб, нисбатан олганда унумдор хисобланади. Хўжалик ерининг тупроғи унумдор бўлиб ундан ғомус миқдори ҳам талаб даражасида. (1-жадвал) да «Сайдулло» фермер хўжалигига ижарага берилган ер учаскасининг тупроқ банитет баллари ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар берилган бўлиб, хўжаликнинг экин майдонлари ҳолати, ўртача банитет баллари, суғориш харталар сони ҳамда кадастр гуруҳи ҳақида маълумотлар акс этирилган.

«Сайдулло» фермер хўжалигига қарашли экин майдонларида қора тусли ўтлоқ тупроқ бўлиб, ўртача 53 банитет бали билан баҳоланган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хўжаликнинг экин майдонларидаги ер участкалари 3-кадастр гуруҳидаги 6-кадастр синфига тегишли. Фермер хўжалигининг 2011 йил ҳолатидаги экин майдонлари 50.7 гектар бўлиб, 5та суғориш харталарига бўлинган. Контурларнинг майдони 12,4,15,5,17,6,3,2 гектарни ташкил қилади. Фермер хўжалиги экин майдонлари фарғона каналини ирмоқларидан сугорилади. Сув билан таъминланиш даражаси 2013 йилда меъёр даражасида. Мазкур ҳолат экинларни ўз вақтида суғоришни таъминлаши билан бирга юқори ҳосил эвазига иқтисодий самарадорликнинг ошишига хизмат қилмоқда.

Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигига ижарага берилган ер участкасини тупроқ бонитет баллари тўғрисида маълумот.1-жадвал.

№	Ер участкалари		Бонитет	Экин майдони. Га	Ўртача бонитет бали	Суғориш харталари сони
	Кадастр гурuhlари	Синфлари				
1	1- кадастр гурухи	1- синф	0 дан 10 гача			
		2- синф	11дан 20 гача			
2	2- кадастр гурухи	3- синф	21 дан 30 гача			
		4-синф	31дан 40 гача			
3	3- кадастр гурухи	5- синф	41 дан 50 гача	50.7	53	5
		6- синф	51 дан 60 гача			
4	4- кадастр гурухи	7- синф	61 дан 70 гача			
		8- синф	71 дан 80 гача			
5	5-кадастр гурухи	9- синф	81 дан 90 гача			
		10- синф	91 дан 100гача			

«Сайдулло»фермер хўжалиги рельефи текис майдонларга жойлашган. Тупроқ юзасидан сизот сувларининг чуқурлиги даражаси 3.0 метрни ташкил этади Хўжаликдаги экин майдонлари айрим жойлари қора тупроқ бўлиб, бу борада ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича махсус чора-тадбирлар амалга оширишни талаб этади. Юқоридаги маълумотлар фермер хўжалигининг барча суғориш харталарини пахта,ғалла ва сабзавотлар етиштириш бўйича меъёрлардан 58 марта юқори эканлигини асослайди. Суғориш харталарининг хажми техника воситаларидан самарали фойдаланиш имкониятини беради.Сабаби уни суғориш харталарининг хажми

талаб даражасида кескин юқори бўлиб, ишлаб чиқариш ресурсларидан жумладан техникадан самарали фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Балиқчи туманида қишлоқ хўжалиги экинлари олиши мумкин бўлган йиллик ҳарорат ҳамда ёғинлар миқдори етарли бўлиб, экин майдонлари пахта ва ғалла етиштириш талабларига тўла жавоб беради.

Хўжалик ерлари пахта ва буғдой ҳамда сабзаёт маҳсулотларини етиштириш учун анча қулай ерлар ҳисобланади. Хўжаликнинг тупроғи қора тусли ўтлоқ тупроқ, тупроқдаги фосфор миқдори 32-43 мг/кг, калий 100-188 мг/кг ни ташкил этади ва бу ўртача меъёр ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир гектар ҳисобига органик ўғит солиш меъёри 15-20 тонна азот 160-200 кг ни фосфор 170-190 кг ни калий 70-95 кг ни ташкил этади. Хўжаликдаги экин майдонлари пахта ва ғалла каби стратегик экинлардан юқори ҳосил олишга қулай имконият беради.

«Сайдулло » фермер хўжалиги деҳқончиликка ихтисослаштирилган бўлиб, хўжалик ерларига асосан пахта, дон ва такрорий экинлар экилади. Фермер хўжалиги тасарруфидаги экин майдонларининг фаолият давомидаги 3 йил мобайнидаги таркиби, экинлар структураси ва ходимлар сони ҳақидаги маълумотлар 2-жадвалда батафсил келтирилган. Жадвал маълумотларидан кўриб турибдики, Сайдулло номли фермер хўжалигининг экин майдони таҳлил этилаётган 2011-2013 йилларда экин майдони оптималлаштириш жараёнларида нисбатан ўзгармаган.

Хўжаликдаги пахта майдонлари 28.6 гектардан 2013 йилга келиб 30.0 гектар ҳолатида сақланиб қолган. Жами экин майдонига нисбатан пахта майдонларининг улуши 59.1% , ғалла майдонларининг улуши 41.9% ташкил этади. Шу билан бир вақтда пахта ҳосилдорлиги 31.9 центрдан 41.9 центнерга кўталиган, буғдой ҳосилдорлиги 2011 йилда 65 центнер бўлган бўлса 2013 йилга келиб ҳосилдорликни бир хил ҳолатда ушлаб туришга эришган.

Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигини экин майдони ва унинг таркиби.

2- жадвал.

№	Кўрсаткичлар	Ўл- чов бир- лиги	Йиллар						2013- йилда 2011- йилга нисбатан %
			2011		2012		2013		
			Мик дори	%	Мик- дори	%	Микд ори	%	
1	Жами экин майдони	га	48.6	100	50	100	50.7	100	100
1.1	Шундан: пахта	га	28.6	58,8	30	60	30	59,1	100
	Ҳосилдорлик	ц\га	31.9	х	40.0	Х	41.9	Х	108,3
	Ялпи ҳосил	ц	914	х	1200	х	1258	Х	103,6
1.2	буғдой	га	20	41,1	20.0	40,2	20.7	40,8	123,6
	Ҳосилдорлик	ц\га	65.0	Х	65.0	Х	65.0	Х	100
	Ялпи ҳосил	ц	1300	х	1300	Х	1345	Х	119
3	Ҳодимлар сони	нафар	20	100	20	100	20	100	100
2.1	Шундан: Пахтачиликда	нафар	16	80	16	80	16	80	100
2.2	Дончиликда	нафар	4	20	4	20	4	20	100
3	Ерни бонитет Бали	балл	53	х	53	Х	53	х	100

Манба: Баликчи туманидаги ер кадастри маълумотлари асосида тузилди.

Фермер хўжалигини жадал ривожлантириш мақсадида куз ва эрта баҳорда алоҳида-алоҳида агрегатлар билан бажариладиган ерларни ўғитлаш, шудгорлаш, текислаш, чизеллаш, бороналаш, молалаш ва пушта олиш каби агротехник тадбирларни бажаришда анъанавий усулда бажарилганда

тупроққа даладан кўп марталаб ишлов бериш оқибатида ортиқча меҳнат, энергия ва ёқилғи сарфини оширади, тупроқ ортиқча зичланиб структураси бўзилишига олиб келади. Сўнги йилларда ЎзМЭИ олимлари томонидан даладан бир ўтишда тупроқни экишга тайёрлаш бўйича бир нечта технологик жараёнларни қўшиб бажарадиган, тупроққа минимал ишлов берилишини таъминлайдиган комбинациялашган агрегат ишлаб чиқилди. Бу комбинациялашган агрегатлар қўлланилганда агрегатларнинг даладан ўтиш сони 6-7 мартага камайиши эвазига тупроқ ортиқча зичланмайди, чигит юмшатиш, ўғитланган ва пушта олинган жойларга экилади. Экинлар қийғос униб чиқади, суғориш эгатларини юмшатилмаган жойлардан олиниши сувни ортиқча исроф бўлмаслигини таъминлайди. Янги технология бўйича бу йил пушта олинган жойга келгуси йили эгат очилади. Ундан кейинги йили эса буни акси бўлади. Эгат ва пушта ўринларининг алмашиб туриши тупроқ физик-механик хоссаларини яхшилади. Ҳозирги пайтда “БМКБ –Агромаш ОАЖ”да комбинациялашган агрегатнинг саноат нусхалари ясашиб, хўжалик синовларидан ўтган. Экин майдонларининг кескин ўзгариши ҳисобига кўп меҳнат талаб қиладиган амалларни: ғўзани ягоналаш, бегона ўтдан тозалаш, чопиқ қилиш каби агротехника тадбирларини бажариш учун қўшимча меҳнат ресурслари жалб қилинган. 2011 йилдаги 20нафар ҳодим 2013 йилга келиб 20 нафарни ташкил этган ишчилар сонига ўзгариш бўлмаган. Сайдулло фермер хўжалигида 2013 йил ҳолатига 20 нафар ҳодимлардан 16 нафари ёки 80 фоиз қисми пахтачиликда, қолган 4 нафари ёки 20 фоиз қисми эса ғаллачиликда агротехника тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш билан шуғулланмоқда. Асосан оилавий меҳнатга асосланган фермер хўжалигида ўз оила аъзолари ва қариндошлари ғўзага ишлов бериш амалларининг барчасига ўз вақтида улгурмайдилар. Шунинг учун қишлоқ хўжалигида, деҳқончиликда етарли тажриба тўплаган қишлоқдаги ёлланма меҳнат ресурсларидан жалб қилиш зарурати пайдо бўлади. Фермер хўжалигининг истиқболдаги ривожланиш дастурини тайёрлашда аввало уни экин майдонини оптимал даражага

етказиш уни ихтисослашувга ва ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминланишига ва жойлашган ўрнига мос ҳолда аниқланади. Фермер хўжалигини ўрта маълумотли бухгалтер Абдуллахўжаева Шохзодахон таъсис этган ва ҳозиргача бошқариб келмоқда. Хўжалик раҳбари фермер хўжалигини ташкилий-иқтисодий асосларини яхши тушунади ва бу соҳада етарли тажрибага эга. Шунинг учун мазкур фермер хўжалиги Балиқчи туманидаги намунали ишлаётган фермерлардан ҳисобланади.

Фермер хўжалигининг аъзолари ҳақидаги батафсил маълумотлар 3-жадвалда келтирилган. **(3жадвал)**да Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигини аъзолари ва уларнинг таркиби тўғрисида маълумотлар акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигининг аъзолари ўз фаолият тури бўйича тегишли маълумотга эга бўлмасада, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш бўйича маълум тажрибага эга. Шу ўринда таъкидлаш керакки, фермер хўжалигининг 10 нафар аъзоси бўлиб, қолганлари 1 йиллик шартнома асосида меҳнат қиладилар. Фермер хўжалигининг барча ишчилари яқдил равишда ўз меҳнати натижасидан манфаатдор бўлишини англаган ҳолда пахта ва ғалла экинларини етиштиришда юқори ҳосил олишга интилмоқдалар.

Сайдулло фермер хўжалигини фермер хўжалигининг бошлиғи узоқ йиллар давомида қишлоқ хўжалигида деҳқончиликдан яъни меҳайник, бригадир бўлиб ишлаб келган, етарлича тажриба тўплаган. Фермер хўжалигининг кўп аъзолари хўжалик бошлиғининг яқин қариндош-уруғлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам хўжаликда ишлаб чиқариш, молиявий бошқариш ва моддий рағбатлантириш масалаларида қарорлар қабул қилинганда ҳеч қандай келишмовчиликлар ва тортишувларга ўрин қолмайди.

Сайдулло фермер хўжалигини фермер хўжалигининг бошлиғи узоқ йиллар давомида қишлоқ хўжалигида деҳқончиликдан яъни меҳайник, бригадир бўлиб ишлаб келган, етарлича тажриба тўплаган.

Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигини аъзолари ва уларнинг таркиби тўғрисида маълумот.

3- жадвал.

№	Аъзоларининг исми ва шарифи	Туғилган йили	Маълумоти	Касби	Иш стажи	Шу жумладан кишлоқ хўжалигида	Фермер хўжалиги раҳбарига қариндош -уруғчи лик алоқаси	Қўши мча эгалла- ган касби
Аъзолари:								
1	Хакимов Сойибжон Расулович	1969	Ўрта махсус.	ф\х раҳ	23	14	Ўзи	Мехай ник
2	Абдуллахўжаева Шохзодахон	1972	Ўрта махсус	Хисобчи	12	8	-	Хисоб чи
Шартнома асосида ишлаётганлар:								
3	Абдуллахўжаев Исроилжон	1980	Ўрта махсус	Иш юритувчи	6	4	-	Шафёр
4	Юлдашева Раънохон	1981	ўр. мах	повар	10	4	Жияни	Чевар
5	Юлдашев Иқболжон	1981	Ўрта	Ишчи	7	4	Жияни	Уста
6	Отабоев Одилжон	1975	Ўрта махс	Ишчи	7	4	Куёв	Тадби ркор
7	Юлдашев Мадаминжон	1958	Ўрта	Трактор чи	30	6	Амакиси	Тракто рчи
8	Асқаров Маъмиржон	1985	Ўрта	Ишчи	12	6	-	Шафёр
9	Холдаров Назиржон	1973	Ўрта	сувчи	15	5	-	Тракто рчи
-	Отакўзиев Хамидилло	1973	Ўрта	сувчи	13	5	-	
--	Қамбаров Неъматжон	1986	Ўрта махсус	сувчи	12	5	-	-
20	Рахмонов Нўмонжон	1972	Ўрта	сувчи	15	5		

Фермер хўжалигининг кўп аъзолари хўжалик бошлигининг яқин қариндош-уруғлари ҳисобланади.Шунинг учун ҳам хўжаликда ишлаб чиқариш, молиявий бошқариш ва моддий рағбатлантириш масалаларида қарорлар қабул қилинганда ҳеч қандай келишмовчиликлар ва тортишувларга

ўрин қолмайди. Сабаби фермер хўжалигши оилавий асосда ташкил этилгани учун қариндош-уруғчилик алоқалари барча келишмовчиликларни бартараф этиб туради. Бу фермер хўжалигининг энг муҳим афзалликларидан биридир.

Фермер хўжалигидаги агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда сувчи, механизатор ва агроном каби малакали ходимларга эҳтиёжи бор. Сабаби кўплаб ходимлар махсус тайёргарликка эга эмас. Натижада хўжалик четдан шартнома асосида малакали ходимларни жалб этган. «Сайдулло» фермер хўжалиги меҳнат жамосининг таркиби таҳлил қилмоқчи бўлсак; Жамоанинг 5 нафари ўрта махсус маълумотли 15 таси ўрта, ва ўрта махсус маълумотга эгадирлар. Келтирилган маълумотлар фермер хўжалигида бошқаришни самарали ташкил этиш учун жамоадаги махсус тайёргарликка эга бўлган мутахасис кадрларларнинг салмоқли талаб даражасида кескин паст эканлигини асослайди.

Сайдулло фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш бир қатор ўзига хос хусусиятларга эгадир. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Сайдулло фермер хўжалигини аъзоларини қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш жараёни бўйича касбий тайёргарлигини ошириш зарур. Ҳозирги кунда фермер хўжаликни аъзоларидан 1 таси олий маълумотга эга ва қолганлари ҳамда шартнома асосида ишлайдиганларни қишлоқ хўжалигида иш тажрибаси кам. Шунинг учун фермер хўжалиги аъзоларини касбий билимларини ошириб бориш зарур.

Давлат эҳтиёжлари учун контрактация шартномаси асосида пахта ва ғалла етиштиришни ташкил этиш учун албатта асосий воситаларнинг мавжуд бўлиши талаб этилади. Қишлоқ хўжалиги техникалари экинларга ишлов бериш, ерни экишга тайёрлаш, текислаш, экиш, буғдойни ўриб-йиғиб олиш, ташиш каби ишларда жуда зарурдир. Мазкур фермер хўжалигида 1 дона 4 ғилдиракли транспорт трактори ва 1 дона 1 ғилдиракли чопиқ трактори Т-28, ТТЗ-80 мавжуд. Бу техникаларнинг иккитаси аввалги даврдан бошлаб фойдаланилаётган бўлса, ТТЗ-80 чопиқ трактори ва култиватор ишчи органи

биргаликда сотиб олинган. Қишлоқ хўжалиги техникаларининг ҳолати соз бўлиб, ўз вақтида жорий таъмирлаб борилмоқда. Бу ҳолат техник хизматлар учун харажатларни камайтириб, иқтисодий самарадорликнинг тобора ошишини таъминлаб келмоқда. Қишлоқ хўжалиги ишлари бажариш учун бошқа зарур техникалар туман марказий МТП ДАЖ дан олинади. Мазкур фермер хўжалигининг яқин истикболида тракторга ишчи агрегат органлар: плуг, чизел, ўғит сепгич, ўқариқ олувчи ҳамда прицеп ва комбайн кабиларни олишга эришиш зарур.

Фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнида амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан самарали фойдаланилгани туфайли охириги йилларда барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалик соҳасида ҳам айтарли ижобий натижаларга эришиб келинмоқда. Буни биз Сайдулло фермер хўжалигининг охириги 3 йил мобайнидаги иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларида яққол кўришимиз мумкин Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ҳақидаги батафсил маълумотлар 4-жадвалда келтирилган.

Жадвал ҳамда чизма маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида экин майдонлари 104.3% ошган ҳолда жами ишлаб чиқариш харажатлари 2011 йилдаги 54321.9 минг сўмдан 2013 йилда 108076.3 минг сўмга етган ёки 198.9 фоизга ўзгарган. Бунга сабаб сифатида бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган моддий-техника ресурсларининг нархлари ортиши ҳамда экин майдонининг кенгайиши ҳисобланади. Харажатларнинг батафсил таркиби ишнинг кейинги қисмларида кўриб чиқилади.

Пахта ва ғалла етиштириш ҳисобига яратилган ялпи маҳсулот ҳажми 2011 йилдаги 88756.4 минг сўмдан 2013 йилда 139266.7 минг сўмга етган ёки 159.6 фоизга ортиган. Бу кўрсаткич ўсишининг омиллари эса ҳосилдорлик ва ялпи ҳосилнинг ошиши ҳамда пахта-ғалланинг давлат ҳарид баҳоларини 3 йил мобайнидаги ортиши ҳисобланади.

Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигини иқтисодий самарадорлиги.

4- жадвал.

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2011	2012 й.	2013 й.	2012 йилда 2011 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	48.6	50	50.7	104.3
	а) пахта	га	28.6	30	30	104.8
	б) буғдой	га	20.0	20	20.7	103.9
2	Ишлаб чиқариш ҳаражатлари.	м.с	54321.9	55500	108076.3	198.9
	Шундан: иш ҳақи	м.с	17416	15500	35574.6	380.5
3	Ҳодимлар сони	Нафар	20	20	20	100
4	Ялпи маҳсулот	м.с	88756.4	82500	139266.7	156.9
5	Фойда	м.с	10973.0	16372.5	22500	205
6	1 гектар ҳисобига:	м.с	14315	16500	27468	191.8
	а) ялпи маҳсулот					
7	1 ҳодим ҳисобига:	м.с	4437,8	4125	6963,3	157,0
	а) ялпи маҳсулот	м.с	870,8	775	1778,7	204,2
	б) иш ҳақи					
8	Рентабеллик	%	20,2	29.5	23.9	+3.7

Манба: Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалиги маълумотлари асосида тузилди.

Шунингдек фермер хўжалигида охириги уч йил мобайнида бир ходим ҳисобига ялпи маҳсулот миқдори 1,5 мартага ўсган.

Юқоридаги маълумотларга асосланган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, фермер хўжалигида охириги уч йил мобайнида қишлоқ хўжалик

махсулотларини ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичлари анча яхшиланган. Буни биз иқтисодий самарадорликни яқунловчи кўрсаткичи хисобланган рентабеллик даражасини 20.2 ва 23.9 фоизли кўрсаткичидан яққол кўришимиз мумкин. Яъни таҳлил даврида рентабеллик +3.7 даражага ўзгарган. Юқоридаги келтирилган натижалар фермер хўжалигида аграр соҳада ўтказилаётган иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга ошириб борилаётганлигидан далолат беради.

2.2. Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.

Меҳнат унумдорлиги - ривожланиб боровчи кўрсаткичдир. У кўпгина сабаблар ва омиллар таъсирида доимий равишда ўзгариб туради. Улардан бир хиллари меҳнат унумдорлиги ошишига ёрдам берса, бошқалари уни пасайтиришга сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, меҳнат унумдорлиги даражаси ва ўсишига меҳнат жараёни кечадиган шароит ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Шарт-шароитлар қулай бўлса, у ёки бу омилнинг таъсир этишини кучайтиради ёки ноқулай бўлса, бу таъсирни заифлаштиради. Масалан, табиий-иқлим шароитлари ва фонд билан қуролланганлик даражаси фермер хўжалигидаги меҳнат натижаларига ва унинг унумдорлигига жиддий равишда таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш воситаларининг мулкчилик шакллари билан боғлиқ бўлган ижтимоий шарт-шароитлар, шунингдек, ишлаб чиқариш муносабатлари билан боғлиқ бўлган шарт-шароитлар бошқа тенг шароитда ҳам меҳнат унумдорлигига жиддий равишда таъсир кўрсатиши мумкин. Фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигининг даражасини баҳолашда албатта пахта ва ғалла етиштиришдаги иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини баҳолашдан бошлаш керак деб ўйлаймиз.

Шу нуқтаи назардан Сайдулло фермер хўжалигида махсулот ишлаб чиқариш ҳолатини ва моддий техника ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида иқтисодий самарадорликка эришишга ва меҳнат унумдорлигининг ошишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш мақсадида фермер хўжалигини охириги уч йиллик фаолиятини иқтисодий кўрсаткичлари асосида атрофлича

ўрганиб чиқдик. Фермер хўжалиги табиий иқлим, ер шароитлари ва сув билан таъминланганлик даражасидан келиб чиқиб асосан пахта ва дон етиштиришга ихтисослаштирилган.

Фермер хўжалигида кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда давлат буюртмаси асосида пахта ва буғдой учун шартномавий муносабатлар асосида фаолият ташкил этилган бўлиб, аввало хўжаликда асосий экин ҳисобланган пахта етиштиришни иқтисодий самарадорлиги охириги уч йил мобайнидаги бу соҳадаги асосий иқтисодий кўрсаткичлар атрофлича ўрганиб чиқилди.

Пахта етиштириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, ҳаражатларни камайтириш аграр соҳа иқтисодиётини мустаҳкамлашнинг асосий вазифасидир. Чунки пахта хом ашёси саноат корхоналари учун ўта муҳим ва зарурий маҳсулот ҳисобланади. Бундан ташқари пахта хом ашёси республиканинг асосий валюта тушумини таъминлаб берувчи товар маҳсулоти ҳисобланади.

Пахта етиштиришда кейинги йилларда бир қатор ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, пахта етиштиришни кўпайтириш экин майдонлари ҳисобига эмас, аксинча ҳаражатларни камайтириб, ҳосилдорликнинг ортиши ҳисобига эришилмоқда.

Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигида 2011 йилда 28,6 гектар майдонда пахта етиштирилиб, гектарига 31,9 центнердан ҳосил олишга эришган. 2013 йилга келиб аптималлаштириш натижасига кўра пахта майдони ўзгариб 30,0 гектарга ўзгарган шунга кўра ҳар бир гектар пахта майдонидан 41,9 центнер пахта ҳослини олишга эришган. 5-жадвалда Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, пахта етиштиришда 2011-2013 йилларда иқтисодий самарадорлик бир оз яхшиланган. Буни биз якуний иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасидан кўришимиз мумкин.

**Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигида пахта ишлаб
чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги.5- жадвал.**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2011 й.	2012 й.	2013й	2013 йилда 2011 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	Га	28.6	30.	30.0	104.9
2	Ҳосилдорлик	Ц\га	31.9	40.0	41.9	131.3
3	Ялпи ҳосил	Ц	914	1200	1258	137.6
4	Ишлаб чиқариш Ҳаражатлари Шундан: иш ҳақи	М.с М.с	35309.2 8827.3	39960 8791.2	84299.5 21833.6	238.8 247.3
5	Ҳодимлар сони	Нафар	16	16	16	100
6	Ялпи маҳсулот	М.с	57717.4	60000	108987.6	188.8
7	Фойда	М.с	6583.8	9004.9	12037.5	183
8	1 центнер пахтани Таннархи	Сўм	38631	33300	67010	173.4
9	1 центнер пахтани сотиш баҳоси	Сўм	63148	50000	86636	137
10	1 гектар ҳисобига: а) ялпи маҳсулоти	М.с	2018.1	2000	3632.9	180
11	1 ходим ҳисобига: А) ялпи маҳсулот Б) иш ҳақи	М.с М.с	3607,3 551,7	3750 549,5	6811,1 1344,6	188,8 247,3
12	Рентабеллик	%	18.6	22.5	14.2	-4,4

Манба: Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалиги маълумотлари асосида тузилди.

Рентабеллик даражаси таҳлил этилаётган даврда 18,6%дан 14,2%га камайган-4,4даражага ўзгарган. Буни сабаблари банитет баллари пастроқ бўлган ерларни аптималлштириш натижасига кўра қўшилганлигидир.Аммо бу кўрсаткич ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлай оладиган 30-35%лик даражадан анча пастдир.

Акс ҳолда, хўжалик пахта етиштириш бўйича кенгайтирилган такрор

ишлаб чиқаришни ўз маблағлари ҳисобига амалга ошириш имкониятига эга бўлмайди. Хулоса қилиб айтилганда, фермер хўжалиги ўзи етиштирган пахта хом ашёсини сотишдан олган фойдаси ҳисобидан ўз ходимларини моддий жиҳатдан рағбатлантириш, ижтимоий ва маданий иншоотларни барпо этиш ҳамда ишлаб чиқаришни кенгайтириш фондларини амалдаги меъёрларга мос ҳолда шакллантира олиши лозим. Демак, фермер хўжалигини фойдаси уни барқарор ривожланиши учун зарур бўлган учта асосий фондларни тўла шакллантиришга етиши керак. Шундагина хўжалик пахтачиликни жадал ривожлантириш асосида уни иқтисодий самарадорлигини талаб даражасига етказиши мумкин.

Ҳар қандай қишлоқ хўжалиги маҳсулотини, жумладан пахта хом ашёсини етиштириш учун моддий-техника ресурсларидан, ер, сув ва меҳнат ресурсларидан фойдаланилади.

Пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш фермер хўжалигининг маҳсулот етиштириш ва реализация қилишга сарфланадиган барча ҳаражатларининг пулдаги ифодаси бўлган таннархни аниқлашдан бошланади. Шу сабабли маҳсулот таннархи энг муҳим иқтисодий категориялардан бири бўлиб, фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятининг ижобий ёки салбий томонларини ўзида акс эттиради.


Сайдулло фермер хўжалигида пахта етиштириш жараёнида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини 1-чизма ёрдамида кўриб чиқамиз.

Чизма маълумотларидан кўриниб турибдики, меҳнат унумдорлигининг кўрсаткичларидан бири бўлган пахтачиликда 1 ходим ҳисобига тўғри келувчи ялпи маҳсулот миқдори 2011 йилдаги 3607,3 минг сўмдан 2013 йилда 6811,1 минг сўмгача етган ёки 188,8 фоизга ўсган. 1 ходим ҳисобига тўғри келувчи иш ҳақи эса 2011 йилдаги 551,7 минг сўмдан 2013 йилда 1344,6 минг сўмгача етган ёки 247,3 фоизга ўзгарган.

1-чизма

Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигида пахта ишлаб

чиқаришдаги меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари



Рентабеллик ошишининг омили сифатида эса ялпи маҳсулотнинг ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан устун даражада ўсишини кўрсатиш мумкин. Ҳақиқатдан, 2011-2013 йилларда ишлаб чиқариш харажатлари 2.8 мартага ошган бир пайтда ялпи маҳсулотнинг ҳажми 1.9 марта ошган. Ялпи маҳсулот билан ишлаб чиқариш харажатларининг фарқи сифатида топиладиган фойда миқдори таҳлил даврида 6583.8 минг сўмдан 12037.5 минг сўмгача етган ёки 183фоизга ўзгарган.

Ишлаб чиқариш харажатларини ялпи ҳосилга бўлиш натижасида 1 ц пахтанинг таннархини топиш мумкин. Сайдулло фермер хўжалигида таннарх 670010сўмдан тушган бир даврда пахтанинг сотиш баҳоси 86636сўмга тўғри келган.

Сайдулло фермер хўжалигида 1 ц пахта таннархи 2011 йилдаги 38631 сўмдан 2013 йилда 67010 сўмга етган ёки 173фоизга ўсган. Давлат буюртмаси учун контрактация шартномаси асосида етиштирилаётган 1 ц пахтанинг сотиш баҳоси эса 2011 йилдаги 63148 сўмдан 2013 йилда 86636сўмга етган ёки 137% га ошган.

Хар қандай кишлок хўжалиги маҳсулотини, жумладан пахта хом ашёсини етиштириш учун моддий-техника ресурсларидан, ер, сув ва меҳнат ресурсларидан фойдаланилади. Пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш фермер хўжалигининг маҳсулот етиштириш ва реализация қилишга сарфланадиган барча харажатларининг пулдаги ифодаси бўлган таннархни аниқлашдан бошланади. Шу сабабли маҳсулот таннархи энг муҳим иқтисодий категориялардан бири бўлиб, фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятининг ижобий ёки салбий томонларини ўзида акс эттиради.

Маълумки, пахта хом ашёсини етиштиришда фермер хўжаликларида моддий харажатлар, иш ҳақи, ижтимоий ажратмалар, асосий воситалар ва номоддий активларнинг эскириши, бошья харажатлар нисбатан ўзгармаган. Андижон вилояти Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигида пахта етиштириш таннархи таркибида механизация хизматлари сарфи 4,4-6,2%ни ташкил этмоқда. Шунинг учун ҳам техника ва ёқилғи сарфини камайтириш маҳсулот даромадини оширишда таъсир кўрсатадиган амалдир. Ҳисоб-китоблар кўрсатишича, пахтачилик соҳасида ерга ишлов бериш техникасидан фойдаланиш фермернинг даромадининг 10-15 фоизга ортишига олиб келади. Жумладан, ерни чуқур оғдариб ҳайдалмасдан отвалсиз тунар билан ҳайдаш ҳисобига ёқилғи сарфи 2 техниканинг иш унумдорлиги эса 1,5 баробаригача ортиши мумкин

Маълумки пахтачиликда маҳсулот хажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш кўп жиҳатдан минерал ўғитлар билан ўз вақтида ва етарли миқдорда таъминланиши, уларни қўллашда аниқ асосланган меъёрларга амалга қилишга боғлиқ.

**Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигида пахта етишти-
риш харажатлари ва уларнинг таркиби.**

6 жадвал.

№	Харажатлар Тури	2011 йил.		2012йил.		2013 йил.	
		м.с	%	м.с	%	м.с	%
1	Моддий харажатлар	22068.3	62,5	24135.8	60.4	48809.4	57.9
	а) уруғлик	3199.9	14,5	4054.8	16.8	9908.3	20.3
	б)ўғитлар	8496.3	38.5	9992.2	41.4	20158.3	41.3
	в) Ё.М.М	4170.9	18.9	4851.4	20.1	10591.6	21.7
	г) иш ва хизматлар	4082.6	18.5	4537.5	18.8	5173.8	10.6
	д) бошқа моддий харажатлар	2118.6	9.6	699.9	2.9	2977.3	6.1
2	Меҳнат ҳақи харажатлари	8827.3	25.0	8791.2	22.0	21833.6	25.9
3	Ижтимоий ажратмалар	494.3	1.4	679.3	1.7	2107.5	2.5
4	Асосий воситалар ва номоддий активлар эскириши	2118.6	6.0	2797.3	7.0	7418.4	8.8
5	Бошқа харажатлар	1800.8	5.1	3556.4	8.9	4130.6	4.9
Жами харажатлар		35309.2	100	39960	100,0	84299.5	100

Манба: Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалиги маълумотлари асосида тузилди.

Бизга яхши маълумки, пахтачиликда моддий ресурсларнинг ортиқча сарфига йўл қўйишда, моддий сарфлар ҳисобини тўғри ташкил этмаслик,

унумдорлиги паст ерда жойлашган пахта ва ғалла етиштирувчи фермерлар ҳосилдорликни инобатга олмай, минерал ўғит, ёқилғи мойлаш материаллари ва бошқа ресурслар сарф қилишга сабаб бўлмоқда. Натижада ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда ишловчи хўжаликлар йил якуни бўйича зарар кўришига олиб келади

эскиришига амортизация ажратмалари ва бошқа ҳаражатлар сарфланади. Пахтачиликдаги ишлаб чиқариш ҳаражатларининг батафсил тавсифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»да келтирилган.7-жадвал

Энди биз шу Низомга асосан пахта хом ашёси ишлаб чиқариш ҳаражатларини бевосита Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалиги мисолида 6-жадвал ёрдамида кўриб чиқамиз. Хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда асосий омиллардан бири ишлаб чиқариш ҳаражатлари ҳисобланади. Маҳсулот бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқариш ҳаражатлари қанча кам бўлса, самарадорлик шунча юқори бўлади.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Сайдулло фермер хўжалигида пахта етиштириш учун сарфланган ҳаражатлар барча элементлар бўйича 2011 йилга нисбатан камайган.Жумладан, моддий ҳаражатлар жами ишлаб чиқариш ҳаражатларининг салмоқли 62.5-57.9 фоизини ташкил этган. Сайдулло фермер хўжалигида минерал ўғитлар учун ҳаражатлар 2011 йилда 8496.3 минг сўмдан 2013 йилда 20158.3 минг сўмга етган. Жами ҳаражатлар таркибида эса 23.9%ни ташкил этган.

Пахта етиштириш жараёнида дехқоннинг каноти бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларини ўрни жуда катта. Албатта улардан фойдаланиш жараёнида ёқилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар ва техник сервис хизматлари учун ҳаражатлар талаб қилади.Шу ўринда дизел ёқилғиси ҳаражатлари салмоқли аҳамият касб этади.Тахлил даврида Сайдулло фермер хўжалигида

4170.9 минг сўмдан 10591.6 минг сўмгача, яъни жами ҳаражатларнинг 21.7 фоизи миқдорида ҳаражат килинган.

Фермер хўжалиги аъзолари иш хаки тўлаш учун 25.9 фоиз атрофида ажратилган. Иш хаки 2011 йилда 8827.3 минг сўмдан 2013 йилда 21833.6 минг сўмга етган. Аввалги бўлимда таъкидланганидек, хўжаликнинг асосий воситалари мавжуд бўлиб, тегишли миқдорда (7418.4 минг сўм) амортизация тўловлари ўтказиб борилган.

Жами ишлаб чиқариш ҳаражатлари 2011 йилдаги 35309.2 минг сўмдан 2013 йилда 84299.5 минг сўмгача ўзгарган.

Етиштирилган пахта ҳосилининг ялпи маҳсулоти миқдори тайёрлов корхоналарига етказилган пахтанинг қайси навга қабул қилинишига боғлиқ. Энди хўжаликнинг иқтисодий самарадорлик омилларидан бўлган пахта сифатини кўриб чиқамиз. 7-жадвалда Сайдулло хўжалигида етиштирилган пахтанинг навлар бўйича тақсимланиши акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2011 йилда Сайдулло фермер хўжалигида сотилган пахтанинг 75.8 фоизи ёки 953.6 центнери юқори 1-навларга тегишлидир. 1-навдаги пахта учун олинган ҳақ жами 182616 минг сўм миқдорида бўлган. Бундан ташқари, 197.6 ц ёки 15.7% 1-тип-2-навга топширилган. Оз миқдорда 1-тип-3 навга ҳам 8,5% миқдорида пахта топширилган. 2011-2013 йилларда Андижон вилоятининг барча ҳудудлари сингари пахта теримини камида 85% кўсаклар очилганда бошланган ва бирданига териб олинган. Теримни отряд усулида олиб бориш ташкил қилинган. Ушбу чора тадбирлар ўз ижобий натижасини берган ҳолда 2013 йилда 75.8% қисми ёки 953.6 ц пахта 1-навга, қолган 15.7% қисми ёки 197.6 ц пахта 2-навга, 8.5% қисми ёки 106.9 ц 3-нага топширилган. Ушбу ҳолат фермер хўжалигининг пахтадан салмоқли пул даромади олишининг омили бўлган. Сайдулло фермер хўжалигида суғориш учун сув билан таъминланганлик даражаси яхши. Фарғона каналидан олинадиган сув меъёридан кўра 2011 йилда 10-11% га кам бўлган бўлса, 2013 йилда етарлича сув билан таъминланган.

**Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигини сотилган жами
пахтасини навлар бўйича тақсимланиши.**

7- жадвал

Саноат нави	Синфи	2011- йил.		2012 йил.		2013- йил	
		миқдори ц	%	миқдори ц	%	миқдори ц	%
I	1	137,1	15	988,8	82.4	953,6	75.8
	2	694,6	76,0	126	10.5	197,5	15.7
	3	82,6	9,0	163,2	7.1	106,9	8.5
	Жами	914	100	1200	100	1258	100
II	1						
	2						
	3						
	Жами						
III	1						
	2						
	3						
	Жами						
IV	1						
	2						
	3						
	Жами						
V	1						
	Жами						
Ҳаммаси		914	100	1200	100	1258	100

Манба: Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалиги маълумотлари асосида тузилди

Сайдулло фермер хўжалигида охириги уч йил мобайнида С-6524 пахта нави экиб келинган. Хўжаликда минерал ва органик ўғитлардан илмий

асосланган тавсияларга асосан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Бундан ташқари қиш ойларида хўжалик аъзоларининг ва маҳалла фуқароларининг уйларида органик ўғитларни чиқариб, январ-феврал ойларида хўжалик майдонларига солиш керак. ташқари қиш ойларида хўжалик аъзоларининг ва маҳалла фуқароларининг уйларида органик ўғитларни чиқариб, январ-феврал ойларида хўжалик майдонларига солиш керак.

Юқоридаги барча чора-тадбирларни ўзида жамлаган ҳолда Сайдулло фермер хўжалигида пахта етиштиришни 15-20% гача ошириш мумкин. Бунинг учун юқорида тавсия қилинган тадбирларни ўзида жамлаган пахта етиштиришни кўпайтириш дастури тўзишни такомиллаштириш керак.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги бир нечта кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Бунинг учун ялпи маҳсулот, ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва хўжалик фаолияти натижасида олинган фойда асос бўлади. Рентабеллик даражасини фойданинг ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбати орқали топилишини инобатга оладиган бўлсак, равшан бўладики, фойданинг даражаси юқори ва ҳаражатларнинг нисбатан паст даражада бўлиши талаб этилади.

Ислохотларнинг ҳозирги босқичида, эркин нархлар амал қилувчи бозор иқтисодиётида моддий –техника ресурсларининг нархлари ва ўз навбатида буғдой ишлаб чиқариш ҳаражатлари объектив тарзда ўсиб боришини келтириб чиқаради.

8-жадвалда Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигининг ғаллачилик тармоғида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари келтирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил этилаётган 2011-2013 йилларда бир қатор ижобий натижаларга эришилган. Жумладан, экин майдони 2011 йилга нисбатан 3.5% ўсган бўлсада, буғдой ялпи ҳосили ҳам шунга мос равишда парарел ўсган. Сайдулло фермер хўжалигида буғдой ишлаб чиқариш ҳаражатлари 2011 йилдаги 19012,7 минг сўмдан 2013 йилда 23776,8 минг сўмга етган ёки 125 фоизга ортган. Ҳозирги мураккаб ўтиш

шароитида бугдой етиштириш учун талаб қилинадиган моддий-техника ресурсларининг нархлари ортиб бориши объектив жараён бўлганлиги учун

Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигида бугдой етиштириш-нинг иқтисодий самарадорлиги.

8- жадвал.

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2011 й.	2012й.	2013й	2013 йилда 2011 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	20	20	20.7	103,5
2	Ҳосилдорлик	ц\га	65	65	65	100
3	Ялпи ҳосил	ц	1300	1300	1345	103,5
4	Ишлаб чиқариш ҳаражатлари Шундан: иш ҳақи	м.с м.с	19012,7 8588,7	15540 6708,8	23776,8 13740	125,0 160
5	Ҳодимлар сони	нафар	4	4	4	100
6	Ялпи маҳсулот	м.с	31039	22500	54967,2	177,1
7	Фойда	м.с	4389,2	7367,6	10462,5	238,4
8	1 центнер бугдойни Таннархи	сўм	14625	11953	17678	120
9	1 центнер бугдойни сотиш баҳоси	сўм	23876	17307	40867	171
10	1 гектар ҳисобига: а) ялпи маҳсулоти	м.с	1551,9	1125	2655,4	171
11	1 ходим ҳисобига: а) ялпи маҳсулот б) иш ҳақи	м.с м.с	7759.8 2147.1	5625 1677.2	13741.8 3435	177.1 159.9
12	Рентабеллик	%	38,8	47,4	44	113,4

Манба: Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалиги маълумотлари асосида тузилди

ишлаб чиқариш харажатлари ортиб бормокда. Ушбу ҳолат албатта биз таҳлил қилаётган фермер хўжалигига ҳам тааллуқлидир. Ривожланишга ҳаракат қилаётган Сайдулло фермер хўжалигида ялпи маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатларидан устун даражада ўстиришга эришилган. Буғдой ялпи маҳсулоти ҳажми 2011 йилдаги 31039 минг сўмдан 2013 йилда 54967,2 минг сўмга етган ёки 177.1 фоизга ўзгарган. Бунинг асосий омиллари сифатида ҳосилдорликнинг 65 ц етиштирилишга эришилганлигидир. 1 ц буғдойнинг сотиш баҳоси 23876 сўмдан 340867 сўмгача ортишини кўрсатиш мумкин. Ғаллачилик тармоғидаги ялпи маҳсулот ҳажмидан ишлаб чиқариш харажатларини айириб ташлаш натижасида фермер хўжалигининг фойдаси ҳисобланади. Сайдулло фермер хўжалигида ғаллачиликдаги фойда 4389,2 минг сўмдан 10462,5 минг сўмгача ёки 2.38 мартага ортган. Фермер хўжалигининг ердан фойдаланиш бўйича иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлари анча яхшиланган. Жумладан 1 гектар буғдой экилган майдонга тўғри келувчи ялпи маҳсулот ҳажми 2011 йилдаги 1551,9 минг сўмдан 2013 йилда 2655,4 минг сўмга етган ёки 171 фоизга ўзгарган. Сайдулло фермер хўжалигининг ғаллачилик тармоғида ишлаш учун жалб этилган 4 нафар ишчининг ўртача ҳар бирига тўғри келувчи ялпи маҳсулот ҳажми 2011 йилдаги 1551.9 минг сўмдан 2013 йилда 2655.4 минг сўмгача ўзгарган ёки 171.7% ни ташкил этган. Шу ўринда ҳар бир ишчининг йиллик иш ҳақи 3435.0 минг сўмни ташкил этган.

Юқоридаги барча кўрсаткичларни умумлаштирган ҳолда ғаллачиликда яқуний иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи бўлган рентабелликни аниқлаш мумкин. Фермер хўжалигининг ғаллачиликдан олган фойдасини жами ишлаб чиқариш харажатларига нисбатини фоиз ҳисобида олиш натижасида рентабеллик даражаси 2011 йилдаги 38.8% даражадан 2013 йилда 44.0% га етган.

Бу кўрсаткичнинг яхшиланиши сабаби юқорида таъкидланганидек, ялпи маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан устун даражада ўсиши ҳисобланади. Аммо бу ҳали кенгайтирилган такрор ишлаб

чиқариш жараёнини таъминлай олмайди. Ҳозирги шароитда оптимал рентабеллик бўлган 50-55%ли рентабеллик даражасига эришиш учун хали имкониятлар мавжуд.

Хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда асосий омиллардан бири ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланади. Маҳсулот бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқариш харажатлари қанча кам бўлса, самарадорлик шунча юқори бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқариш харажатларининг мунтазам ортиб бориши қонуниятли жараёндир. Сайдулло фермер хўжалигида буғдой етиштириш учун сарфланган харажатларни 9-жадвал ёрдамида кўриб чиқамиз.

**Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигида буғдой
етиштириш харажатлари ва уларнинг таркиби 10-жадвал**

№	Харажатлар тури	2011й		2012 й		2013й	
		минг сўм	%	минг сўм	%	минг сўм	%
1	Моддий харажатлар	11559.7	60,8	8982.1	57,8	14646.5	61,6
	а) уруглик	1051.9	9,1	781.4	8,7	2425.2	10,2
	б) угитлар	2150.1	18,6	1625.7	18,1	4208.4	17,7
	в) Ё.М.М	1525.9	13,2	1167.6	13	3352.5	14,1
	г) иш ва хизматлар	1988.2	17,1	1158.6	12,9	3281.1	13,8
	д) бошка моддий харажатлар	532.3	2.8	458.0	5,1	1379.0	5,8
2	Меҳнат хаки харажатлари	4353.9	22,9	3776.2	24,3	5516.2	23,2
3	Ижтимоий ажратмалар	1083.7	5,7	901.3	5,8	1331.5	5,6
4	Асосий воситалар ва номоддий активларни эскириши	855.6	4,5	745.9	4,8	1022.4	4,3
5	Бошка харажатлар	1159.7	6,1	1334.4	7,3	1260.1	5,3
	Жами	19012.7	100	15540	100	23776.8	100

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш харажатларининг салмоқли қисмини моддий харажатлар эгаллайди ва 2011-2013 йилларда мос ҳолда 60,8 ва 61,6 фоизни ташкил қилган. Моддий харажатлар таркибига эса, маълумки, бевосита ҳосилдорликка таъсир этувчи уруғлик, минерал ўғитлар, ёқилғи, иш ва техник хизматлар, ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш каби харажатлар киради.

Нефт базаси билан ёқилғи-мойлаш материаллари етказиб бериш бўйича шартнома тўзилган. Қишлоқ хўжалигида буғдой етиштириш жараёнида ерни экишга тайёрлаш, экиш, ўғитлаш, ҳосилни ўриб-йиғиб олиш каби кўрсатиладиган техник хизматлар учун ёқилғи сарфланади. Моддий харажатлар таркибида ёқилғи учун сарфланган харажатлар 2011 йилда 1525.9 минг сўмдан 2013 йилда 3352.5 минг сўмга етган. Ёқилғи-мойлаш материалларининг жами буғдой етиштириш харажатларидаги салмоғи таҳлил даврида 13,2-14,1 фоизни ташкил этган.

Меҳнат ҳақи харажатлари ҳам жами ишлаб чиқариш харажатларининг 23 фоизи атрофида сақланиб турибди. Хўжаликдаги ишчиларни моддий жиҳатдан яхши таъминлаш, албатта меҳнат натижаларидан манфаатдорликни оширади. Шу сабабли хўжаликда таҳлил даврида жами 4353.9 минг сўм ва 5516.2 минг сўм иш ҳақига ажратилган.

Сайдулло фермер хўжалигида буғдой етиштириш харажатлари барча элементлари бўйича 2011 йилга нисбатан кескин ўсган бўлсада, ялпи маҳсулотнинг ундан юқорирок даражада ошиши ҳисобига юқори рентабеллик даражасига эришилган.

Мазкур ҳолат Сайдулло фермер хўжалигида барча ишлаб чиқариш харажатларини тўғри режалаштирилган ҳолда оқилона сарфланганлигини ва шунинг натижасида ғаллачиликда ижобий 44.0%лик рентабелликка эришганлигини кўрсатади.

Фермер хўжалигини ривожланганлигини яна бир кўрсаткичларидан буғдой етиштиришни тумандаги иқтисодий кўрсаткичлари билан солиштирима таҳлилини кўрамиз. (11-жадвал)да Балиқчи тумандаги «Сайдулло » фермер

хўжалиги Балиқчи тумани билан бугдой етиштиришнинг солиштирма иқтисодий кўрсаткилари акс эттирилган. Фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги туманга нисбатан юкори бўлиб айрим кўрсаткичларни тахлил қилганимизда иқтисодий самарадорликнинг асосий кўрсаткичи бўлган рентабелликнинг 36.4фоиздан 46.5 фоизга яъни +10.1 даражага ўзгарганлигини кўришимиз мумкин.Хулоса қилиб сўз юритадиган бўлсак «Сайдулло» фермер хўжалигида бугдой етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини домий равишда рентабеллик кўрсаткичларини кўтаришга ҳаракат қилиб туриш учун доимий равишда изланиш керак.

Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигида етиштирилган бугдойнинг Балиқчи туман иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари билан солиштиришма тахлили. (11-жадвал) 2013й

	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Балиқчи . туман	Сайдулло фермер хўжалиги	Сайдулло фермер хўжалиги туманга нисбатан
1	Экин майдони	га	7208	20.7	X
2	Ҳосилдорлик	ц\га	59.1	65	109.0
3	Ялпи ҳосил	т	30900	139266.7	X
4	Ишлаб чиқариш ҳаражатлари Шундан: иш хақи	м.с м.с	12753000 1562000	108076.3 35574.6	X x
5	Фойда	м.с	2731000	10462,5	x
6	1 центнер бугдойни таннархи	Сўм	41271	10355	+25.0
7	Рентабеллик	%	36.4	44	+4.6

2.3.Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигида самарали агротехнологияларни қўллаш.

Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигида пахта ва буғдой етиштиришга ихтисослашган .Фермер хўжалигида пахта ва бўғдойдан юққори хосилдорликга эришиш учун агротехнологияларни қўллаш заруратга айланганлигини ҳисобга олиб дастлаб фермер хўжалигидаги ер майдонларни ишлов бериш керак бўлади.

Ерга ишлов бериш технологияси

Ерга ишлов бермасдан унда экин етиштириб бўлмайди. Тупроқ ўсимлик илдизи учун етарли даражада юмшоқ бўлганда, унинг суви, физик хусусиятлари ва микроорганизмларнинг фаолияти яхши бўлади. Ерни ишлаш деганда уни шудгор килиш, текислаш, асосий ишлов бериш, бороналаш, культивациялаш, чизеллаш, мола босиш кабилар тушунилади.

Бир-бири билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган тупроққа ҳар хил механик таъсир этишларга ерни ишлаш тизими дейилади. Ерни ишланганда тупроқ (сув, ҳаво, иссиқлик ва озик) режимларининг яхши бўлиши учун қулай шароит яратилади, яъни хайдалма қатлам тўзилиши ва унинг дондорлиги ўзгаради; тупроқнинг қуйи қатламидаги озик моддалар юқорига кўтарилиб, унинг айланиши даври ва микробиологик жараёнлар тезлатилади; бегона ўтлар йўқотилади; орғано-минерал ўғит ва анғизлар тупроққа қўшилади; тупроқ юза қатламида ёки ўсимлик қолдиқларида яшаётган экинларнинг зараркунанда ва касаллик қўзғатувчилари йўқотилади; ерни экин экишга тайёрлаш, эгат ва жўяк олиш ҳамда экинни парвариш килишда қатор орасига ишлов бериш; бегона ўтларни йўқотиш каби ишлар бажарилади.

Ерни ишлашда қуйидаги технологик жараёнлар амалга оширилади: ер қатламини ағдарилади, аралаштирилади ва юмшатилади; бегона ўт илдизлари қирқилади, тупроқ зичланади, текисланади, эгат ва жўяк олинади. Ер заруриятга қараб юза хайдов чуқурлигида юмшатилади. Хайдалма қатлам тупроғини аралаштириш натижасида тупроқдаги органик ва минерал

ўғитлар, микроорганизмлар ҳайдалма қатламда бир текис тақсимланиб, тупроқ унумдорлигини оширади. Тупроқни зичлаш, яъни мола бостирилганда капилляр ғоваклиги ортади. Экилган уруғларни пастки қатламда намлик билан таъминлаш яхши бўлади. Суғориладиган деҳқончиликда ерни текислашнинг экин экиш ва уни парвариш қилиш учун аҳамияти катта, бунда сифатли экиш, суғориш, парвариш қилиш учун шароит яратилади.

Ер ҳайдалганда ағдарилаётган қатламлар 135-145 қияликда бир-бирига ёнбошласа, қатлам чала, қатлам 180 ағдарилса, тўлиқ ағдарилган ҳисобланади. Ерни ҳайдаш сифати плуг ағдаргич (отвал) ларининг шаклига боғлиқ. Улар винтсимон, цилиндрсимон, ярим винтсимон ва маданий бўлади.

Маданий отвалли плуглар қатламни яхши увоклайди ва ағдаради. 1870 йили Рудольф Сакк ярим винтли ва цилиндрик отвалли плуглардан маданий отвалли плуг яратди. Бу плугнинг асосий корпуси олдида кенглиги асосий корпуснинг $\frac{2}{3}$ қисмига тенг келадиган чимқирқар ўрнатилган. Ҳозирги вақтда ер кўпроқ П-5-35 М, ПН-4-35 маркали тиркама ёки осма плуглар билан ҳайдалмоқда. Кейинги йилларда чимқирқарнинг кенглигини 27 см гача узайтирилган. ПЯ-3-35 маркали икки ярусли плуглардан фойдаланилмоқда. Ҳозирги даврда шамол эрозиясига мойил ерларни ағдармасдан, анғизлар сақланган холда асосий ишлов бериш усули кенг қўлланилмоқда.

Ерни сифатли ишлаш қўлланилаётган қуролнинг тўзилишига, яъни плуг отвалининг шаклига, ишчи органларнинг турига, агрегатнинг юриш тезлигига ва тупроқнинг технологик хоссаларига боғлиқ. Тупроқнинг технологик хусусияти унинг илашимлилиги, ёпишқоқлиги ва хажмий оғирлиги билан ифодаланади. Бу хусусият унинг намлиги, механик таркиби, қаттиқлиги, донадорлиги ва бошқалар билан белгиланади. Ернинг сифатли ишланиши даланинг ўсимлик қолдиқлари ва бегона ўтлар билан ифлосланганлик даражасига ҳам боғлиқ. Сернам ер ҳайдалганда яхши майдаланмайди, қатлами увокланмайди, қуруқ ҳайдалганда эса катта-катта палахсалар кўчади, оғир ва енгил соз тупроқли ерлар намлиги тўла нам

сиғимига нисбатан 40-60% бўлганда хайдалса яхши увокланади. Тупрок намлиги ортик бўлса у ишчи органларга ёпишиб ер сифатсиз хайдалади.

Ер асоси 2 усулда, яъни айланма ёки шаклли ва тахта (загон) ларга бўлиб хайдалади. Айланма ёки шаклли хайдаш участканинг уртаси ёки чеккасидан бошланади. Бунда плуг қайрилишларда хайдаш чуқурлигидан кўтарилмайди хайдаш эса участканинг ўртаси ёки четида тугалланади. Бу усулда хайдаш чуқурлиги ҳамма ерда бир текис булмайди. Шунинг учун дехкончиликда айланма ёки шаклли хайдаш усули ман этилган.

Дала тўғри тахталарга – загонларга бўлиб хайдалганда сифатли бўлади. Тракторнинг салт юришини марза ва эгатлар сонини камайтириш учун тахтанинг эни 40-80 м бўлгани яхши. Ер соатига 7-7,5 км тезликда хайдалса, қатлам яхши ағдарилади, увокланади ва текис бўлади. Хайдов сифати ерни хайдаш вақтида ёки хайдалгандан кейин текширилади. Ернинг сифатли хайдалиши бу тадбирнинг ўз вақтида ўтказилишига, чуқурлиги агрегат буриладиган жойдан тахтанинг охиригача бир хил бўлишига боғлиқ.

Бедапоя ва анғизлар айниқса, сифатли хайдалиши керак, қатлам тўла ағдарилмаса, эрта бахорда беда ёки бегона ўтлар ўсиб чиқади, органик массалар тупроққа яхши кўмилмай, экин сифатсиз экилади. Органик массалар, хас ва чўпларнинг 10 фоизи тупроққа кўмилмай қолса, ер сифатсиз хайдалган хисобланади.

Диаметри 5 см дан катта кесаклар палахса хисобланади. 1 м да ўртача 5 та дан ортик палахса бўлса, хайдаш қониқарсиз хисобланади.

Такрорий экин экиладиган ер тупроғи яхши увокланиши керак, акс холда уни майдалашга кўп меҳнат ва ёнилги сарф бўлади, кузги шудгорда палахса хосил бўлса ҳам зарари йук, чунки кишки ёғин-сочинда улар майдаланиб кетади. Кўз билан чамалаганда чала жой умумий майдоннинг 0,2% идан ортик булмаслиги лозим, акс холда ер конихарсиз хайдалган хисобланади.

Чигитни эрта ундириб олишнинг аҳамияти

Чигитни эрта, тўлиқ ва қийғос ундириб олиш агротехник тадбирлар орасида муҳим ўрин эгаллайди. Чигит экилгандан кейин унинг тупроқдаги ҳолатини ва ниш уришини муттасил кузатиб бориш лозим. Суғориладиган пахтачилик туманларида кучли жаладан кейин тупроқ юзасида ҳосил бўлган қатқалоқни тез юмшатиш эндигина униб чиққан ниҳолларни сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга эга. Қатқалоққа қарши кўрашни биринчи имконият бўлиши биланоқ бошлаш зарур, акс ҳолда пайдо бўлган нишлар қатқалоқни ёриб чиқолмай кўпинча нобуд бўлади, униб чиққан ниҳоллар эса жуда эзилиб қолади. Таркибида чиринди кам бўлган структурасиз бўз тупроқларда қатқалоқ пайдо бўлиши жуда хавфли ҳисобланади. Бундай ерларда қатқалоқ қалинлиги 3-4 см га етиши ва ундан ҳам ошиши мумкин. Агар у ўз вақтида юмшатиlmаса жуда қотиб кетади. Натижада кейин уни юмшатиш жуда қийин бўлади. Бундай тупроқли ерларда нам ҳам тез кўтарилиб кетади. Структурали тупроқларда ёғингарчилик натижасида тўпланган намнинг деярли ҳаммаси кесакчалар орасидан сизиб ўтиб тупроққа яхши шимилади ва у шу ерда сақланиб қолади. Структурали тупроқларда буғланиш секин бўлади, у намни узоқ сақлайди, тупроқ юзасида қатқалоқ деярли ҳосил бўлмайди. Чигитни ундириб олишда ҳар галги ёғингарчиликдан кейин қатқалоқ ҳосил бўлишига йўл қўймаслик жуда муҳимдир. Ер оби-тобига келиши биланоқ тупроқнинг устки қисмини бир икки кун ичида юмшатишни тугаллаш лозим. Бу намнинг кўтарилиб кетишини камайтиради, тупроқнинг иссиқлик режимини яхшилайдиган ва чигитни соғлом ундириб олиш имконини беради.

Қатқалоқ пайдо бўлганлиги сабабли чигит униб чиқмаган далаларда зиг-заг бароналар билан кўндалангига, ротацион юмшатгичлар билан узунасига қараб 4-5 см чуқурликда юмшатиш тавсия этилади. Чигит униб чиққандан кейин қатқалоқ пайдо бўлса боронадан фойдаланиш мумкин эмас. Бундай ҳолларда ротацион юмшатгичлардан ҳамда ротацион юлдузчалардан фойдаланиш зарур.

Чигит экилгандан сўнг кунлар исиб, нам тез кўтарилиб кетса кутиб ўтирмасдан тезда чигит суви бериш керак. Сув сарфи кам нормада 600-700 м³ эгат оралаб ёки ҳамма қаторларга ернинг структураси, нишаблигига қараб, бу ишни ўта тажрибали сувчи амалга оширса жуда ҳам яхши бўлади. Чигит тор қаторлаб экилган, нишаби кам, сув ўтказувчанлик қобилияти яхши бўлган далаларда ўқариқларни 70-100 м дан, ўта нишаб ва тупроғи сувни яхши ўтказмайдиган далаларда эса ҳар 110-150 м дан кейин олиш тавсия этилади. Шунга мос равишда кенг қаторлаб экилган далаларда 100-130 м ва 150-180 м бўлиши лозим. Суғориш эгатларининг чуқурлиги тупроқ шароитига қараб 10-14 см бўлиши мақсадга мувофиқдир. Далада белгиланган микдорда кўчат бўлишини таъминлаш учун сийрак ва хато чиққан жойларга кўшимча равишда дориланган ва намланган чигит экиш керак. Хатосига экиш учун шу далага қайси нав ва нечанчи репродукцияли чигит экилган бўлса албатта худди шу нав ва репродукцияли чигит экилиши шарт. Хатосига чигит экиладиган ерларда тупроқда етарли микдорда нам бўлиши керак, чунки ниш урган чигит қуруқ тупроқда униб чиқиш қобилиятини йўқотади ва нобуд бўлади.

Ѓўза ниҳолларини яганалашни ниҳоллар тўлиқ униб чиққандан бошлаб 1 та 2 та чин барг пайдо бўлишгача тугаллаш лозим. Яганалаш кечиктирилса ғўзанинг ўсиш, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таалуқли барча кўрсаткичлар пасайиб кетади, чунки яганалаш чўзилиб кетса ғўза ниҳоллари ўзлари билан биргаликда озуқа моддаларини кўпроқ микдорда олиб кетади. Бордию илдиз ғўза чириш касаллигига чалинганлиги ёки кўп микдорда кузги тунлам, шира ва трипслар тушганлиги сезилса бундай далаларда кўчат нормал қалинликда бўлишини таъминлаш мақсадида яганалашни бир неча кун кечиктириш лозим. Бундай ҳолда яганалашни 2-3 чин барг пайдо бўлганда бошлаш лозим.

2.Кўчат қалинлиги. Кўчат қалинлиги ғўзанинг ўсиш ва ривожланиш шароитига, бинобарин ҳосилдорликка ҳал қилувчи таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади. Кўчат сийрак бўлса айрим ғўза туплари

бақувват бўлиб ривожланади ва уларнинг ҳар биридан кўп ҳосил тўпланади, лекин гектаридан олинadиган умумий ҳосил кам бўлади. Аксинча, кўчат калин бўлса ғўза нимжон ривожланади ва бу ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатади.

Ҳосил шохи чекаланмаган 1-2 типга кирган ғўза навлари учун кўчат қуйидагича бўлиши керак.

-Сизот сувлари чуқур жойлашган сер қум бўз тупроқли, шунингдек шўрланган ерларда 120-130 минг туп.

-Шўрланмаган сизот сувлари юза жойлашган ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқли тупроқли ерларда 110-120 минг туп.

-ғўза паст бўйли бўлиб ўсадиган кам унум ва шағал, қум, қумлоқ қатлам юзароқ жойлашган ерларда 130-140 минг туп.

-Шартли сугориладиган ва сув билан етарли дараджада таъминланган ерларда 70-80 минг туп.

Ҳосил шохи 3-4 кенжа типга мансуб бўлган ғўза навлари учун кўчат 10-15 % кам бўлиши керак. Аксинча ҳосил шохи чекланган ва ноль типга кирадиган ғўза навларида кўчат 20-30% кўпроқ бўлиши керак. Чигит кеч, яъни 10 майдан кейин қайта экилганда ҳар гектарда 10-15 минг тупдан кўпроқ кўчат қолдириш тавсия қилинади.

Минерал ўғитларни йиллик меъёрларини ишлаб чиқиш.

Азот – ўсимлик хужайраси таркибига кириб, асосий органик моддалар синтезида муҳим роль уйнайди. Ўсимликлар таркибидаги оқсилни асосини аминокислоталар уларнинг асосини эса азотли бирикмалар ташкил этади.

Етишмаслигидан – ўсимлик баргларининг ранги тўқ яшил рангдан оч яшил ранга киради, мода синтези ёмонлашади.

Ортиб кетиши – ўсимликларни ғовлаб кетиши эвазига ҳаёт омилларидан тўлиқ фойдаланилмайди.

Фосфор – Ўсимликлар хужайраси таркибига кириб, органик ва минерал бирикмалар шаклида учрайди. Органик бирикмаларда нуклеин кислоталар, фосфолипидлар асосан насл ташувчи ДНК ва РНК, энергия ташувчи АТФ ва ЛМФ таркибида асосий вазифаларни бажаради.

Етишмаслигидан – лавлаги таркибидаги сахар, хартошка таркибидаги крахмал миқдори камаяди ва ҳосил сифати ёмонлашади.

Калий - ўсимлик миқдори дейилади ва хужайра цитоплазмаси таркибини асосини ташкил этади. Калий асосан ўсимликларни сувсизликга, касаллик ва хашоратларга чидамлилигини оширади.

Демак ўсимликлар учун ўта зарур бўлган макро ва микро элементларни йиллик меъёрларини ишлаб чиқишда қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишда илмий асосланган меъёрларни ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида қуйидаги омилларни ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди.

Илмий асосланган минерал ўғит меъёрларининг таъсири

- деҳқончиликни қайтарилиш қонунига амал қилишни тақозо қилади.
- тупроқ унумдорлигини оширади.
- экинларни ҳосилдорлигини оширади.
- ўғитларни иқтисодий ва ўзлаштириш самарадорлигини оширади.
- атроф муҳитни софлигини сақлайди.

Ўсимлик талаб қилган озуқа элементларини илмий асоссиз ишлаб чиқишган йиллик меъёрни бир марта бериш йўли билан унинг талабини қондириб бўлмайди, сабаби ўсимликларни турли вегетация давларида турли хил озуқа элементларини турли миқдорда талаб этилади. Шунинг учун ўсимликларни биологик талабини ҳисобга олган ҳолда ўғитлар тақсимотини тўғри белгилаш лозим.

Ўсимликларни тупроқдан озуқа моддаларни олиб чиқиб кетиши, уларнинг тури ва навига ҳам боғлиқдир.

Замонавий агрокимё қишлоқ хўжалик экинлари учун минерал ўғитларнинг йиллик меъёрини ишлаб чиқишнинг асосан тўрт усули мавжуд.

Минерал ўғитларни йиллик меъёрларини ишлаб чиқиш турлари.

1. Агрокимёвий хартограмма асосида
2. Баланс усулида
3. Хосил билан чиқиб кетадиган озуқа элементларини, ўғитларни ўзлаштириш коэффиценти асосида
4. Режалаштирилган хосили асосида

Агрокимёвий хартограмма усулидан белгилашда тупроқни озуқа elementi билан таъминланганлик даражаси асос қилиб олинади. Ушбу усулда йиллик меъёрни аниқлаш, фосфор ва калий бўйича йиллик меъёрни аниқлашда фойдаланилади. Бунинг учун ҳар 5 йилда тупроқни ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий билан таъминланганлиги асос қилиб олинади. (Бу ҳақда кейинги маърузаларда тўхтаб ўтамиз)

Баланс усулида йиллик меъёрни аниқлашда, асосан тупроқда мавжуд бўлган ҳамда қўлланилган минерал ўғитларни миқдори билан ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиб эвазига олиб чиқиб кетилган озуқа элементлар ўртасидаги баланс асос қилиб олинади.

Минерал ўғитларни ўзлаштириш асосида йиллик меъёрни ишлаб чиқишда эса, режадаги хосил асосида чиқиб кетадиган озуқа элементлари ва уни ташкил этувчи минерал ўғитларни ўзлаштириш коэффиценти асосий омил қилиб олинади ва қуйидаги формула билан аниқланилади:

Минерал ўғитларни ўзлаштириш коэффицентининг

$$K = \frac{X_y - X_c}{C} \times 100 \text{ бунда}$$

K – Ўғит таркибидаги озик моддаларни ўзлаштириш коэффиценти, %

X_y – Ўғитланган майдондан чиқиб кетган озуқа модда миқдори, кг/га

X_c – Ўғитланмаган майдондан чиқиб кетган озуқа модда миқдори кг/га

С - Ўғит билан тупроқга тушган озиқ модда миқдори кг/га

$$M: K = \frac{200 - 50}{250} \times 100 = \frac{15000}{250} = 60\%$$

Режалаштирилган ҳосил бўйича йиллик меъёрни ишлаб чиқишда асосий омил режалаштирилган ҳосил ҳисобланади.

Ҳамма усулларда ҳам ўғитларни йиллик меъёрини аниқлашда, қишлоқ хўжалик экинларини шу озуқа элементига яъни биологик талаби асосий кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

Ўзани озуқа элементларига бўлган биологик талаби қуйидагича аниқланилади:

Ўзанинг биологик талаби

$$B_N = P_x \times 5$$

Бунда, B_N – ўзани азотга бўлган биологик талаби, кг/га

P_x – режадаги ҳосилдорлик, ц/га

5 – 1 ц пахта ҳосили билан чиқиб кетадиган азот миқдори, кг.

$$M: B_N = 30 \times 5 = 150 \text{ кг/га}$$

Демак, 30 ц/га пахта ҳосили олиш учун бир гектар майдондаги ўза тупроқдан 150 кг/га соф азотни олиш керак экан. Маълумки, тупроқда органик моддалар чиришдан ҳосил бўлган «Экстра» азот минерал шаклда тўпланиб қолган қолдиқ азот ёки ўғит билан тупроқга тушган шаклдаги азотлар мавжуд бўлади.

Пахтадан 30 ц/га пахта ҳосили олиш учун ўзанинг биологик талаби 150 кг/га бўлса, юқоридаги мисолимизда азотни ўзлаштириш даражаси 50% бўлса у ҳолда фақат минерал ўғит эвазига Олинадиган бўлса, у ҳолда ўзлаштириш коэффиценти эвазига яна 50% меъёрни ($150 : 2 = 75$ кг/га) 75 кг/га ни қўшиб $150 + 75 = 225$ кг/га қилиб белгилаш лозим.

Минерал ўғитларни йиллик меъёрини белгилашда илмий асосланган тупроқларни типига, механик таркибига ўтмишдош экин турига ва тупроқни шу озука модда билан таъминланганлик даражаси асосида табақалаштирилса янада аниқроқ бўлади.

Тупроқ типлари бўйича коэффицентлар:

Т/р №	Тупроқ типи	Коэффицент
1	Типик бўз тупроқлар	1,0
2	Ўтлоқи тупроқлар	0,8
3	Тўқ тусли бўз тупроқ	0,7
4	Оч тусли бўз тупроқ	1,1
5	Енгил қумоқ тупроқ	1,3
6	Тақирсимон тупроқлар	1,2

М: Агар мисолимиз тупроғи, тўқ тусли бўз тупроқ бўлса, азотни йиллик меъёри қуйидагича аниқланилади.

$$И_{\text{м}} = 225 \times 0,7 = 158 \text{ кг/га}$$

Демак тўқ тусли бўз тупроқ шароитида 225 кг/га эмас балки 158 кг/га ни ташкил этади.

Азотни йиллик меъёрини белгилашда ўтмишдош экин ҳам асосий омил бўлади, ва маълум коэффицент асосида аниқлик киритилади.

Агар ўтмишдош экин беда бўлиб бўзилса у холда 1,2 йиллари йиллик меъёри 0,3 ва 0,7 га 3 йилдан бошлаб эса тўлиқ меъёр берилади.

Олиб борилган кўп йиллик илмий тадқиқот натижаларининг кўрсатишича тупроқ таркибидаги нитрат жамғармаси асосида ҳам тузатиш коэффицентига эга. Демак, азотни йиллик меъёрини ишлаб чиқишда тупроқдаги нитрат миқдори ҳам асос қилиб олинади.

Умуман минерал ўғитларни йиллик меъёрларини ишлаб чиқиш билан бирга уларни ўзлаштириш коэффициентини яхшилаш муҳим кўрсаткич бўлиб булар қуйидагилардан иборат:

Тупроқни NO₃ билан таъминланганлик даражаси

Т/р №	Тупроқда NO ₃ миқдори кг/га	Коэффициент	Биологик талаби кг/га	Режадаги хосил ц/га	Азотни йиллик меъёри кг/га
1	0 - 150	1			250
2	151 – 300	0,5	45,0	30,0	125
3	300 <	0			-

Минерал ўғитларни ўзлаштириш коэффициентини

яхшилаш йўллари

- Ўғитни илмий асосланган йиллик меъёрини ишлаб чиқиш
- Ўғитларни белгиланган муддатда бериш
- Ўғитни ўсимлик ўзлаштира оладиган чуқурлик ва кенгликда қўллаш.
- Ўғитларни сақлаш қоидаларига амал қилиш.

Хулоса: Минерал ўғитларнинг илмий асосланган йиллик меъёрларини ишлаб чиқишда ғўзанинг биологик талаби, ўтмишдош экин тури, тупроқ типи ва турлари, режалаштирилган хосил, тупроқни озик элементлари билан таъминланиш даражаси кабилар асосий кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади.


3-боб: “Сайдулло” фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигини оширишни йўллари ва омиллари.

3.1. Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш омиллари.

Меҳнат унумдорлиги - ривожланиб боровчи кўрсаткичдир. У кўпгина сабаблар ва омиллар таъсирида доимий равишда ўзгариб туради. Улардан бир хиллари меҳнат унумдорлиги ошишига ёрдам берса, бошқалари уни пасайтиришга сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, меҳнат унумдорлиги даражаси ва ўсишига меҳнат жараёни кечадиган шароит ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Шарт-шароитлар қулай бўлса, у ёки бу омилнинг таъсир этишини кучайтиради ёки ноқулай бўлса, бу таъсирни заифлаштиради. Масалан, табиий-иқлим шароитлари қишлоқ хўжалигидаги меҳнат натижаларига ва унинг унумдорлигига жиддий равишда таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш воситаларининг мулкчилик шакллари билан боғлиқ бўлган ижтимоий шарт-шароитлар, шунингдек, ишлаб чиқариш муносабатлари билан боғлиқ бўлган шарт-шароитлар бошқа тенг шароитда ҳам меҳнат унумдорлигига жиддий равишда таъсир кўрсатиши мумкин.

Меҳнат унумдорлиги даражаси ва унинг динамикасига кўпгина омиллар таъсир қилади. **Омиллар деб меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига таъсир кўрсатадиган ҳаракатлантирувчи кучлар ёки сабабларга айтилади.** Улардан айримлари меҳнат унумдорлигининг ортишига ёрдам берса, бошқалари унумдорликнинг пасайишига сабаб бўлиши мумкин. Омилларнинг биринчи гуруҳига меҳнат воситаларининг самарасини ортиши, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва меҳнаткашлар ижтимоий гуруҳлари шароитининг яхшиланиши билан боғлиқ бўлган барча тадбирлар киради; иккинчи гуруҳи - табиий шароитларнинг ноқулай таъсир кўрсатиши, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги камчиликлар, ижтимоий шароитдаги салбий элементларнинг таъсир кўрсатиши киради.

Фермер хўжаликларда омилларни қараб чиққанда, уларнинг ҳаммасини ички ва ташқи омилларга бўлиш мумкин.



Ички омилларга корхонанинг техника билан қуролланиш даражасини, қўлланилаётган технологиянинг самарадорлиги, меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг энергия билан таъминланиши даражаси, татбиқ этилаётган рағбатлантириш тизимларининг таъсирчанлиги, кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, кадрлар таркибининг яхшиланиши каби корхонани раҳбарларига боғлиқ бўлган барча нарсалар киради. **Ташқи омилларга** қуйидагиларни киритиш мумкин: давлат буюртмалари ва бозордаги талаб ҳамда таклифларнинг ўзгариши муносабати билан маҳсулот хиллари ва уларнинг сермеҳнатлик даражасининг ўзгариши; жамият ва минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлари; меҳнатни кооперациялашув даражаси, моддий техника таъминоти табиий шарт-шароитлар ва ҳоказолар.

Меҳнат унумдорлигини оширишнинг моддий асоси фан, техника ва технологияни ривожлантириш, уларнинг ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишдир.

Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигида меҳнат унумдорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омилларни қуйидаги жадвал ёрдамида кўриб чиқамиз. Бунда охириги уч йилда хўжаликдаги мавжуд ишчиларнинг меҳнати туфайли яратилган ялпи маҳсулотни баҳоланади. Меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш учун пахта ва ғалла ялпи маҳсулотини мавжуд ходимлар сонига бўламиз. Меҳнат унумдорлиги бу ерда қиймат кўрсаткичи сифатида минг сўм ҳисобида ўлчанади.

12-жадвал

Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигида меҳнат унумдорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омиллар

№	Кўрсаткичлар	ўлчов бирлиги	2011 й	2012 й	2013 й	2013 йилда 2011 йилга нисбатан %
1	Ялпи маҳсулот	м.с	57717.4	60000	108987.6	188.8
2	Ходимлар сони	нафар	16	16	16	100
3	Меҳнат унумдорлиги	м.с	3607.3	3750	6811.7	188.8

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, пахта ва ғалланинг ялпи маҳсулоти миқдори 2011 йилдаги 57717.4 минг сўмдан 2013 йилда 108987.6минг сўмгача ўзгарган ёки 88.8% га ошган. Хўжаликда ишчи ва хизматчи ходимларнинг ўзгармаганлигига қарамасдан иш ҳажмининг бир оз ошишини таъмиламоқда. 1 та меҳнат ресурсига тўғри келувчи ялпи маҳсулот кўринишида ҳисобланган меҳнат унумдорлиги эса 2011 йилдаги 3607.3 минг

сўмдан 2013 йилда 6811.7 минг сўмгача ўзгарган ёки 88.8% га ошган.

Барча омилларни ўз ички мазмуни ва моҳиятига кўра, учта гуруҳга бўлиш мумкин: моддий-техника, ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий. Шунинг учун ҳам **моддий-техника омиллари** гуруҳини, одатда, етакчи ва қолган барча омилларни белгиловчи гуруҳ деб қаралади.



Меҳнат унумдорлигини оширишнинг **моддий-техника омилларига** фан-техника тараққиётини узлуксиз ривожлантириш асосида меҳнатнинг техника ва энергия билан таъминланишини ошириш киради. Қишлоқ хўжалигида пахта ва ғалла етиштириш учун чопиқ ва транспорт тракторлари, уларнинг культиватор, плуг, чизел, ўғит солгич ва ариқ қазигич каби

агрегатларининг, суғориш учун сув насослари ва лоток-арикларнинг ҳамда бўғдой ўриш учун комбайннинг мавжуд бўлиши талаб этилади. Нихол фермер хўжалигида ҳозиргача чопиқ трактори ва культиватор агрегати, прицеп мавжуд. Моддий-техника таъминнотини яхшилаш учун юқоридаги агрегатлар ва комбайнни лизинг асосида олишга эришиш керак. Ишлаб чиқаришни кимёлаштириш; бутунлай янги технологияларнинг яратилиши (улар ишлаб чиқариш интенсивлигини оширишни таъминлайди ва жонли меҳнат сарфини кескин қисқартиради); ишлаб чиқаришга материал сарфланишининг пасайиши ва моддий ресурсларнинг тежалиши ҳам меҳнат унумдорлигини оширишнинг моддий-техника омилларига киради. Моддий - техника омиллари таъсири натижасида меҳнат унумдорлиги ортади ва маҳсулотнинг сермеҳнатлик даражаси пасаяди.

Моддий - техника омиллари таъсири натижасида меҳнат унумдорлиги ортади ва маҳсулотнинг сермеҳнатлик даражаси (т) пасаяди. Сермеҳнатлилик даражаси кўрсаткичи бўйича меҳнат унумдорлигининг ўсиши қуйидаги формулалар билан аниқланади:

$$M_y = \frac{M_{cm} \times 100}{100 - M_{cm}} \quad \text{ёки} \quad M_y = \frac{M_{cm} \times 100}{C_{cm} - M_{cm}}$$

Бу ерда M_y - меҳнат унумдорлигининг ошиши, %;

M_{cm} - маҳсулот бирлиги сермеҳнатлик даражасининг пасайиши, %;

C_{cm} - тадбирни жорий этишдан олдин маҳсулот бирлигини учун зарур бўладиган бошланғич сермеҳнатлик даражаси.

Меҳнат унумдорлигининг ўсишига доир **ташкилий омилларига** фермер хўжалиги даражасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш киради. Хусусан, хўжаликларни экин тури бўйича ихтисослаштириш, транспорт хизматлари билан таъминлаш, хўжаликларнинг турли ресурслардан фойдаланиш учун кейинчалик кооперациялашуви; моддий-техника, энергия таъминоти, таъмирлаш хизмати кўрсатиш ва ҳоказолар катта аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари бизнес-режаларни такомиллаштириш; ишлаб

чиқаришни ташкилий-техник жиҳатдан тайёрлашни ташкил этиш; янги технологияларни ўз вақтида жорий қилиш; машиналар, механизмларни жорий ва капитал таъмирлашни таъмин этиш, шунингдек, фермер хўжалигида моддий-техника таъминотини тўғри ташкил этиш.

Барча ташкилий омиллар бир-бири билан мустаҳкам боғланган бўлиб, ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқарувни ташкил этишнинг ягона тизимини ҳосил қилади. Улардан тўлиқ фойдаланмаслик, турли ташкилий камчиликларнинг мавжуд бўлиши асосан иш вақтидан фойдаланишда ўз таъсирини кўрсатади.

Ташкилий омиллар тизимида Мухторжон ерлари фермер хўжалигида кадрлар таркибининг яхшиланиши - бошқарув ходимлари сонининг нисбий қисқариши ва ходимлари умумий сонида ишчилар салмоғининг ортиши муҳим ўрин тутди. Шунинг учун бевосита фермер хўжалиги бошлиғининг ўзи ҳам пахта етиштириш агротехник тадбирларини бажаришда қатнашиши керак. Ходимлари умумий сонида ишчилар салмоғи қанчалик юқори бўлса, битта ходимга тўғри келадиган меҳнат унумдорлиги ҳам шунчалик юқори бўлади.

Ижтимоий-иқтисодий омилларнинг меҳнат фаолиятининг ҳаракатлантирувчи кучи - муайян натижани қўлга киритишга бўлган қизиқишдир. У ўз навбатида ишлаб чиқариш иштирокчилари бўлган инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш имконини беради. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш қатнашчилари муайян меҳнат фаолияти натижасини қўлга киритишга интилиши билан бир қаторда етарли даражадаги меҳнат қобилиятига, ишбилармонлик ва шижоаткорлик каби зарур шахсий сифатларга эга бўлишлари, шунингдек, тадбиркор бўлишлари лозим. Меҳнат унумдорлигига таъсир кўрсатувчи энг муҳим ижтимоий-иқтисодий омилларга қуйидагилар киради:

- меҳнат натижаларидан моддий ва маънавий манфаатдорлик;
- ходимларнинг малака даражаси, уларнинг касбий тайёргарлиги сифати

- меҳнатга муносабат ва меҳнат интизоми даражаси;
- меҳнат жамоалари ўз-ўзини бошқаришининг ривожланиши.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг омилларидан бири тупроқ унумдорлигини оширишдир. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида иқтисодий унумдорлигини ошириш мақсадида ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашни таъминловчи тадбирларни комплекс амалга оширишни ривожлантириш жуда муҳим муаммо ҳисобланади. Бу муаммони ечишда давлат бош ижрочи бўлиши лозим. Агарда бу муҳим тадбир фермер хўжаликларига тўлиқ юкланса, бажарилмаслиги муқаррар. Чунки уларнинг техник, иқтисодий қуввати етмайди. Давлатнинг эса техник, иқтисодий имконияти улкан. Хўжаликлар ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашда ирригация ва мелиорация давлат ҳиссадорлик ташкилотлари хизмат қилиб, улардан ўз ҳақларини олишни таъминлайдиган иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш лозим.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини юксалтириш учун Сайдулло фермер хўжалигининг моддий техника таъминотини яхшилаш, махсус маълумотли ходимларнинг салмоғини ошириш, ердан самарали фойдаланиш, минерал ўғитлардан илмий асосланган тартибда фойдаланиш каби бир қатор имкониятларни ишга солиш зарур. Ер ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини юксалтириш учун ер-сув муносабатларини такомиллаштириш, яъни либераллаштириш масалаларини ҳал этишни тезлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ер ва сувнинг баҳоларини ва улардан фойдалаганлик учун тўланадиган ҳақларни, солиқлар миқдорини реал аниқлаш лозим. Бунда бозор иқтисодиёти қонунлари талабларига асосланиш, шунингдек, ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги, такрор ишлаб чиқарилмаслиги, ҳолати, сифати, истеъмолчиларга узоқ-яқинлиги, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда инфратузилмалар билан таъминланганлиги, олинаётган маҳсулот, фойда суммаси каби кўрсаткичларни ҳам эътиборга олиш зарур.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Битирув Малакавий ишини тайёрлашда Балиқчи туманида фаолият кўрсатаётган Сайдулло фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш атрофлича ўрганиш ва таҳлил этиш асосида қуйидаги фикр ва мулоҳазаларга келдик:

Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигини ташкилий-иқтисодий маълумотлари билан танишиб уларни таҳлил қилиш билан бир қаторда ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида фермер хўжаликлари фаолиятидаги таркибий ўзгаришлар ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самардорлигини ошириш юзасидан қабул қилинган ҳуқуқий меъёрий ҳужатлар талабларини бажарилиши нуқтаи назардан фермер хўжалиги раҳбар ва мутахассисларини алоҳида фикр ва мулоҳазаларини ўрганган ҳолда истиқболда Сайдулло фермер хўжалиги меҳнат унумдорлиги барқарор ривожланишини таъминлаш имконини яратади.

Меҳнат унумдорлиги меҳнат салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти айнан шу кўрсаткич миқдорида боғлиқ.

Меҳнат унумдорлиги бир вақт бирлигида (кун, ой, чорак, йил) бир ходим томонидан яратилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми билан ўлчанади. Бу кўрсаткич натижани ходимларни ўртача сонига (вақт бирлигига) бўлиш йўли билан аниқланади:

$$\text{Меҳнат унумдорлиги} = \frac{\text{ялпи маҳсулот}}{\text{ходимлар сони}}$$

Фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигини оширишда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ходимлар сони ва улар орасидаги махсус маълумотлилар салмоғи, Ҳодимларнинг асосий ва айланма фондлар билан

куролланганлиги, 1 ходим ҳисобига яратилган ялпи маҳсулот, 1 бирлик меҳнат харажатлари эвазига яратилган ялпи маҳсулот кабилар ҳисобланади.

Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалиги асосон пахта ва дон етиштиришга ихтисослашганлиги туфайли маҳаллий аҳолини бу турдаги экинлардан юқори ҳосил олиш бўйича кўникмалари етарли.

- фермер хўжалиги пахтачилигида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш йўлларини такомиллаштириш:

- Фермер хўжалигини ишлаб чиқариш муносабатларини тартибга солиш ва модернизация қилиш орқали меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш:

- Фермер хўжалиги пахта ва ғалла маҳсулотларини етиштириш учун самарали техникаларни, илгор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;

- Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш жароёнини амалга ошириш мақсадида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ишлаб чиқаришга жалб этишни ривожлантириш;
- Фермер хўжалигида иқтисодий самарадорликни пахта ва ғалла етиштириш бўйича оптимал даражага кўтариш чора-тадбирларини кўриш зарур.

- Фермер хўжалигини меҳнат унумдорлигини ошириш учун модернизациялаш асосида хўжаликни МТБ ни мустахкамлаш ва ишлаб чиқаришни тула механизациялашга эришиш.

- Меҳнат жамоси таркибини тубдан яхшилаш, махсус малакавий тайёргарликка ва кўникмага эга бўлган ходимлар ҳиссасини кескин ошириш. Ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларни жорий этилишига мос ҳолда ходимлар сонини аввало малакасис ходимларни кискартириш орқали меҳнат унумдорлигига эришиш;

- Фермер хўжалигини ишлаб чиқаришни диверсификациялаш асосида кўп тармокли хўжаликка айлантириш асосида меҳнат унумдорлигига эришиш;.

Фермер хўжалигида ирригация ва мелиорация ҳамда ишлаб чиқаришни механизациялаш, кимёлаштириш ва деҳкончилик маданиятини ошириш билан боғлиқ бўлган масалаларни самарали ҳал этилишини таъминлаш орқали меҳнат унумдорлигини оширишга эришиш;

Ишчи ва хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни яхшилаш уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш сабабли меҳнат унумдорлигига эришиш;

Юқоридаги барча чора-тадбирларни ўзида жамлаган ҳолда «Сайдулло » фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятлари пайдо бўлади

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т. Ўзбекистон 2003 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. – Т.: 1999.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи». 2004 йил 27 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг Давлат ер кадастри тўғрисидаги қонуни Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 3-китоб. – Т.: 1999
5. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни. 1998 йил 29 август.
6. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Т.: 1996.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226 сонли фармони «Қишлоқда ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида». Халқ сўзи. 2003 йил 25 март
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги фармони. Халқ сўзи. 2003 йил 28 октябр.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. Халқ сўзи. 2003 йил 31 октябр.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. Халқ сўзи. 2004 йил 24 декабр.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 октябрдаги ПФ-4041 сонли «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. *Халқ сўзи*, 22.10.2008
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги ПФ-3077-сон «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари микдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 октябрдаги "Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3287 сонли Фармойиши.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарорида тасдиқланган «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом».
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори (2003 йил 4 сентябр 383-сон).
16. И.А.Харимов «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». Т.: Ўзбекистон 1993 й.
17. И.А.Харимов «Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари Т., Ўзбекистон. 1995 йил
18. И.А.Харимов «Ўзбекистон буюк келажак сари» Т., Ўзбекистон, 1998.
19. И.А.Харимов. Барқарор тараққиётга эриш устивор вазифа. Т Ўзбекистон 1998.

20. И.А. Харимов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» Т.: Ўзбекистон. 1995 йил
21. И.А. Харимов «Дехқончилик тараққиёти – тўқин ҳаёт манбаи» Т.: Ўзбекистон. 1998 йил
22. И.А. Харимов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартарф этишнинг йўллари ва чоралари». Т.: Ўзбекистон. 2009 йил
23. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Харимовнинг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби» Халқ сўзи 14.02.2009 йил.
24. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Харимовнинг 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» Халқ сўзи 29.01.2010.
25. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Харимовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 282 бет.
- 26.23. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Харимовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурни энг

- муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси 2013 йил 19 январ.
- 27.Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. (1-2 қисм). Тошкент 1998 йил.
- 28.О.Зокиров, А.Пардаев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Т.: 2005
- 29.О.Зокиров, А.Абдуллаев, Ш.Зокиров. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. (ўқув қўлланма). Андижон, 2002.
- 30.Ш.Зиёвутдинов. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. (ўқув қўлланма). Тошкент, 2004.
- 31.А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. (дарслик). Тошкент, 2004.
- 32.А.Исмоилов, О.Муртазаева. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Т.: 2002.
- 33.Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. (дарслик) . Т.: 2004.
- 34.Н.Ўронов. Қишлоқ хўжалиги инфратўзилмаси.- Т.: 2004.
- 35.Б.Салимов, К.Ҳамдамов. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти (ўқув қўлланма) Т.: 2004.
- 36.Э.Ж.Юсупов. Пахтачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари. –Т.:2005
- 37.Бакетт.М. Фермер хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш (дарслик) Тошкент «Мехнат» 1998 йил.
- 38.О.Олимжонов ва б. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. Т. «Университет», 2005.
- 39.О’Р.Умрзақоввab. Fermerxo’jaligiiqtisodiyoti. – Т.:”Iqtisod-moliya” 2007.
- 40.О’Р.Умрзақоввab. Qishloq xo’jaligiiqtisodiyoti va menejment (darslik). –

Т.: 2009.

41. А. Абдуллаев ва б. Бизнес режа. – Т.: «Молия» 2002.

42. Б. Салимов ва б. Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти. – Т.: ТДИУ, 2004

43. Додобоев Ю.Т. ва б. Фермер хўжаликлари иқтисодиёти. – Т.: 2005 (Қувасой).

44. Р. Хакимов ва б. Агросаноат мажмуи иқтисодиёти. – Т.: ТДИУ, 2004

45. Б. Салимов ва б. Қишлоқ хўжалиги инфратўзилмаси иқтисодиёти. – Т.: ТДИУ, 2004.

46. www.ziynet.uz – Ўзбекистон ОЎМТВ қошидаги электрон кутубхона.

47. www.pravo.uz. Ўзбекистон республикаси қонунчилик базаси.

48. www.ziynet.uz – Ўзбекистон ОЎМТВ қошидаги электрон кутубхона.

49. www.lex.uz - Қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар миллий базаси.

50. Балиқчи туманидаги Сайдулло фермер хўжалигининг 2011-2013 йиллардаги бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари ва бошқа маълумотлар.